

Дунё адабиёти кутубхонаси

Аҳмад Моҳир Пакшон

БАХТИНИ ТОПГАН ЙИГИТ



821.512 161

17-16 2021/49-58

Армар Мохар

Пакшон

Бахриме турган

ишит

Т., 2017 - 1285

38250 с

Дунё адабиёти кутубхонаси

АҲМАД МОҲИР ПАКШОН

БАХТИНИ
ТОПГАН
ЙИГИТ
РОМАН

«Sano-standart» нашриёти
Тошкент — 2017

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)7

П 16

Бахтини топган йигит. Муаллиф Аҳмад Пакшон.
– Т.: “Sano-standart” нашриёти, 2017. – 128 бет.

Қўлингиздаги китоб – икки пок қалбнинг самимий муҳаббати қиссаси. У Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раънолар севгисини эслатадиган ҳаяжонли, покиза туйғулар ҳақидадир. Бу қиссада инсоний меҳр-оқибат, садоқат, комилликка интилиш улуғланади.

Асар сизни хушнуд қилишига ишонамиз.

Таржимон:

Дилфуза Шойзоқова

Масъул муҳаррир:

Иброҳим Йўлдошев

филология фанлари доктори, профессор

Сўзбоши муаллифи:

Абдумурод Тилавов,

филология фанлари номзоди

Муҳаррир ва сўнгсўз муаллифи:


Абдулла Улуфов,

филология фанлари номзоди, доцент

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-4803-4-6



© “Sano-standart” нашриёти, 2017.

МЕҲР ҲАҚИДАГИ КИТОБ

Фан-техника шиддат билан тараққий то-
паётган, оммавий маданият (балки маданият-
сизлик дейиш маъқулроқмикан — А.Т.) ёшла-
римизни домига тортаётган ҳозирги даврда
уларга коинот гултожи саналмиш ИНСОНга
хос эзгу, покиза, беғубор туйғуларни сингди-
рувчи асарларни мутолаа қилдириш долзарб
аҳамият касб этмоқда.

Қўлингиздаги асар сизни ҲАЁТ китоби-
га теран назар ташлашга, ундаги ҳодисалар
ҳақида мушоҳада юритишга ундайди.

Романнинг бош қаҳрамонларидан бири
устоз Али Шарафиддиннинг руҳий кечин-
маларини ифодалаган қуйидаги парча унинг
маънавияти, инсонийлиги ҳақида тасав-
вур беради: “Али устоз ойнага қараб, ўзи-
га назар солди. Кўзлари остидаги шишлар,
титроқ қўлларининг титраши, маъносиз
қарашларининг сўниклиги, кўзлари нур-
сизланиб бораётгани, китобга қизиқиши

қолмагани — буларнинг бари умри поёнига етаётганидан дарак эмасми? Ҳаётининг асосий қисмини китоб ўқиш билан ўтказгани ҳақида ўйлар экан, у ўзини бахтли ҳис этди...”

Бу асар икки беғубор қалб соҳибининг беғубор севги ҳикоясидир. У ҳунари орқасидан ҳалол ризқ топаётган Рашид ва ногирон, қар укаси, онаси билан яшаётган Ойшагулнинг “ўлдим - куйдим”лардан узоқ, Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раънолар севгисини эслатадиган ҳаяжонли, покиза муҳаббати ҳақидадир. Рашидга чин кўнгилдан боғланган, бироқ ногирон укасини ташлаб кетишни кўзи қиймаган Ойшагулнинг изтироблари кишини ўйлантириб қўяди. Рашиднинг Ойшагулга: *“Мавлоно Румий айтган эканлар: “Бир томонда кўрқув, бир томонда умид бўлса, икки қанотга эга бўласан. Ягона қанот билан учиб бўлмайди. Кўрқувни ҳис қилган киши умиднинг қадрига етади”.* *Худо сенга яхшилардан бўлишинг учун синов берибди. Бунга асло ўксинма. Аксинча, сабр билан барча синовларни енгиб ўтгин... Қўлингдаги узук мана шу бетакрор жилвага келгунича тош*

неча маротаба йўнилади. Айтмоқчи бўлганим, инсонийликдан комиллик сари етгунингча Оллоҳ таоло қанчадан қанча синов, ситамлар юборади. Биз Яратган буюрган тақдирга рози бўлсак, У ҳам бандасидан рози бўлади. Сарват биз учун синовдир. Сарватни дея сенга бўлган пок севгимдан воз кечмайман” деган сўзлари кишини ҳаётга умид билан қарашга ундайди.

Бу асар ҳаётга, ОИЛА аталмиш муқаддас даргоҳга беписанд айрим кимсаларга ОГОҲ-НОМА ҳамдир.

Покиза жуфти ҳалолини икки норасида гўдак билан ташлаб, бошқа аёлнинг ортидан, тўғрироғи, нафси ортидан эргашиб кетган отанинг қизига ёзган хати ва уларнинг жавоби шундай «ота»ларни ҳушёр торттирса, уларни тўғри йўлга солса, ажаб эмас: “Ойшагул электрон почтасини очганида ҳеч кутилмаган хабарни ўқиб қолди:

— Қизим... — дея ёзилган эди хатда, — онанг кўнғироқларимга жавоб бермаяпти. Электрон манзилингни дугонанг Севардан олдим. Ундан сизлар ҳақингизда суриштириб, тўйинг бўлаётганини билиб олдим. Бахтли ку-

нингда, висол кечасида ёнингларда бўлишни
истайман. Илтимос, менга шу қувончни кўп
кўрма. Тўйинг куни боришимга ижозат бер.

Салом билан отанг Холис”.

Хатни онасига ҳам ўқиб берди ва жавоби-
ни бирга ёзишди:

— Агар бахтни мана шу тўй шодиёнасида
ҳис қилишни истасангиз, неча йиллар аввал
этагига осилиб кетган ўша сариқ сочли аёл-
нинг фарзандлари улғайиб, оилали бўлиши-
ни кутинг. Ана шуларнинг ёнларида тўйда
ўтираверинг. Ҳалолнинг лаззатини билиш
учун ҳаромнинг захрини тотиб кўрмоқ ло-
зим. Ҳалолликдан юз ўгирганлар “Нега бахт-
сизман?” деган саволни беришга ҳақли эмас.
Тўй таклифномаларини тарқатаётганимизда
меҳмонлар орасида “Холис” исмли шахснинг
бўлишини истамаймиз...

Саодат, Сарвар ва Ойшагул.

Бу асар МЕҲР ҳақидаги асар. Уни ўқиб, бу
туйғу нақадар азизлигини, оила жамият учун
нечоғлик муҳимлигини яна бир бор англай-
сиз.

Хуллас, азиз ўқувчи, бу асарни ўқиш учун
сарф этган вақтингиз зое кетмаслигига амин-

ман. Уни фақат ўзингиз ўқимай, дўстингизга, яқинларингизга тавсия этинг.

Янги, яхши ниятли ҳамроҳ сизга муборак бўлсин!

Абдумурод Тилавов,
*филология фанлари номзоди,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети доценти*

Муаллиф ҳақида:

Аҳмад Моҳир Пакшон 1957 йил 1 январда Туркиянинг Сивас шаҳридаги Дивриғ туманида туғилган. Лицейни тамомлагач, Истанбулга келиб, университетда таҳсил олган. Талабалик даврида газета ва журналларда иқтисодиётга доир қатор мақолалари эълон қилинган. Аҳмад Моҳир Пакшоннинг ҳикоя ва шеърлари ўқувчилар эътиборини қозонган.

АСАРЛАРИ:

- «Усмон бобо» (1981, шеърӣй тўплам)
- «Болаликни соғиндим» (1991)
- «Севги олами» (1993)
- «Юрагимдаги Анадўли» (1995, болалар учун ҳикоялар тўплами)
- «Ишондим ва бахтлиман» (1997)
- «Хушxabар ва маслаҳат» (1997)
- «Шкаф кўзидаги бахт» (Оила ҳаёти хусусида маслаҳатлар)
- «Ёш йигит ноласи» (2005)
- «Тушдаги университет» (2007)
- «Қалб йиғлар...» (2008)
- «Бахтли оила» (2008)
- «Кўлингизни беринг, ота» (2008)
- «Ёз олмаси» (2008, ҳикоялар тўплами)
- «Шаҳарни томоша қилмоқчи бўлган балиқ» (2009)
- «Сариқ доғ» (2009)
- «Чиройли якун» (2010)
- «Ҳисобда йўқлар» (2010)

БАХТИНИ ТОПГАН ЙИГИТ

Оппоқ булутлар кишининг кўзини яшна-тиб, осмонда сузиб кета бошлади. Гўё улар тўлиб турган косага ўхшар, ҳозир портласа ҳамма ёқни сув босадигандай эди. Кўп ўт-масдан осмон кўз ёш тўка бошлади. Атрофни момақалдиरोқнинг гумбурлаши тутди, ёмғир шитирлаб, ҳар томчиси ажиб куй таратарди. Замин майин, мулойимлашгандай, борлиқ бу мўъжизадан маст бўлгандай туюларди. Ҳамма осмон йироқ деб айтади. Лекин ундан заминга раҳмат ёмғири етиб келади. Катта-ю кичик мавжудот ўзини панага олиб бу бетакрор гўзалликни томоша қилмоқда. Ўрта яшар бир эркак ҳам табиатнинг бу гўзаллигини ҳайрат ила томоша қиларди. Деразага келиб урилаётган майда ёмғир томчилари унга завқ берар эди. Шу лаҳза кўзи капалакка тушди. Капалак шу ҳавода деразадан ташқарига чиқишга интилаётган эди. Ташқарида эса ёмғирнинг шиддати кучайган. Йигитнинг соябони ҳам йўқ. Шу сабаб кўчага чиқиш чиқмаслигини билмай иккиланиб қолди. Бироздан сўнг бу иккиланишидан ўзи уялиб кетди. Деразани очиб юборди. Капалак учиб кетди. У яна қайтиши учун йигит деразани очиқ қолдирди.

Йигит капалак қанотидаги ажиб гўзалликни кўриб, чақмоқдай бир ёнди-ю ўчди. Сабаби бор эди. Унинг ҳаётга дахлдор ери йўқ эди. Тувакдаги гулга кўниб турган капалакнинг қанотини деразадан келаётган совуқ шамол ҳилпиратар эди.

Капалак қанотлари ёмғирдан ивиб кетган эди. Аста қаноти томон эгилди. Таажубки, капалакнинг бўйидай узун мўйлабининг бири қайрилган, нам ерга ёпишиб қолган эди. Гўё бу қайрилган мўйлабда нозик титраш бор эди. Жонланиш бор эди. Бу ҳолдан ажабланди. Капалаклар тўғрисида бу қадар оз нарса билишидан аччиқланди. Ўзини ўзи койиди. Ажабо бу жонланиш қандай юзага келди?. Бир неча сония кечиккани учун ўзини ёмон кўриб кетди. Сал олдин ҳаракат қилганида бу гўзал қанотли жониворни қутқариб қолармиди? Бу нарса уни қаттиқ ранжитди. Бегуноҳ бир жонни қутқариши лозим бўлган вақтда у сусткашлик қилди. Капалак қанотларини яна бир марта ожиз қимирлатиб қўйди. Балки у сўнгги нафасида ҳам Яратганни ёдга олаётгандир!? Катта қизиқиш ва шафқат кўзи билан у капалакни кузатишда давом этди. Қизиқ, капалак нима деяпти?

– Нега кечикдинг, эй одамзод?

Ёки:

– Сен вазифангни адо этдинг. Ёмғирнинг илк томчисидаёқ менинг умрим поёнига етган эди. Сен одамийлик юзасидан ўз ёрдмингни кўрсатдинг, – демоқчи бўлдимми?

Кошки, иккинчи тахмини тўғри чиқса эди. Ёш йигит одамийлик фазилатига амал қилишга жуда жиддий эътибор берарди. “Марҳаматли бўлинг, сиз ҳам марҳамат кўрасиз” – деган қимматли ҳикмат хаёлидан ўтди. Ўзига ўзи савол берди:

– Керагича марҳаматли бўлолдимми? Меҳр-оқибатли бўлишни эса у ҳамма нарсадан устун кўярди. Рўпарасида биров бордай ундан сўради:

– Айтчи, эй биродар, мендан розимисан? Сени ранжитмаганманми?

Жимжитлик. Жавоб йўқ.

– Жим турма, жон капалак. Ҳеч бўлмаса, сен ҳақиқатни айт. Неча йилдир менга ҳамроҳсан. Неча йилдан бери сен билан фикр алмашамиз. Сенинг нозик, нафис, бетакрор қанотларингда мен Раббимнинг санъатини кўрдим. Рост, сен сўзламайсан. Лекин қанотингда жилваланувчи бу ранглар менга Оллоҳнинг жамолидан сўзлайди. Сен доим

айтар эдинг: “Шундай гўзал қанотларни яратган Оллоҳим, ким билади, қанчалар бетакрор? Сенга хавф-хатардан қочиш учун қанот берган Парвардигор қанчалар меҳрибон?! Капалаклар кун кечириши учун гулларни яратган Раббим беҳад буюкдир.

Эй капалак! Яна сўзлагин. Сен сукут сақласанг, менга чин ҳақиқатни ким етказди?

Йигит хона ўртасида таралдуланиб қолди. Хаёлини капалакнинг жонини сақлаб қолиш банд этганди. Ветеринарни чақирмоқчи ҳам бўлди. Лекин ундан бирор наф чиқмаслигини ўйлаб, бу фикридан воз кечди. Осмонда ҳамон момақалдирак гўмбурларди.

— Ўз кароматингни кўрсат, эй мовий, чексиз осмон. Кун буйи гўмбурларсан. Сел ёмғирингни тўкиб адо қилганингча мен ҳаёт бўламанми — йўқми буни ёлғиз Худо билади. Лекин сен ҳам абадий гўмбурлаб тура олмайсан.

Капалак билан сўзлашишни бир муддат тўхтатган йигит осмонни томоша қиларди. Булутлар ўз вазифасини адо этиб, энди тарқалаётган эди. Ёмғир беармон ёғиб, ҳамма ёқни ювиб кетганди.

Ярим асрдан буён бу ҳунар билан шуғулланиб келаётган уста бундай ҳайратомуз ҳолатга дуч келмаган эди. Йигитнинг тилагини эшитиб, дастлаб: “Буюртмам жуда кўп. Вақтим зиқ. Ўғлим эса шаҳар ташқарисига кетган. Бундай ишларни у яхши тушунади. Илтимосингни бажаролмайман, — дея уни қайтармоқчи бўлди.

Йигитнинг илтимоси ҳақиқатан ғалати эди. Умар устанинг ўзига хос эътиқоди бор эди. Баъзи харидорларда Худо берган файз-барака борлигига ишонарди. Мана бу йигитда ҳам қандайдир ажиб нарса бор эди. Мана шундай баракаси бор харидорлар келиб кетганидан сўнг дўкон харидорларга тўлиб кетарди. Эрталабдан буён дўконга битта ҳам харидор йўламаган эди. Ҳозир эса дўкон тўла одам... Бояги ёш йигит қалби тоза, юзидан файз ёғилар, унда нимадир бор эди.

Умар уста йигитга озгина кутиб туришини тайинлаб, бошқа харидорларга юзланди. Харидорлар сўраган нарчасини тез-тез олиб бериб, уларни зудлик билан жўнатиб юборди. Уларни жўнатар —жўнатмас дўкон яна харидорлар билан тўлди. Кейинги ойларда дўконга ҳеч бундай кўп харидор йўламаган

эди. Шу пайт неча пайтдан бери жим турган телефон жиринглаб қолди.

– Эшитаман, ассалому алайкум! Солиқ ва-зирлигидан сўраяпсизми? – Уста жавоб берар экан, ҳаяжонини боса олмасди. Харидорлар ҳам қизиқсиниб уни кузата бошлашди.

– Йўқ, йўқ, бу менинг ишим эмас, – ўзини оқларди Умар уста. – Ўғлимнинг иши бўлса керак. Мен қилганимда тан олардим-ку. Нима қиламан сизга ёлғон гапириб.

Харидорларнинг қизиқиши ҳайронлик билан алмашди. Молия вазири нимадан норози? Уларнинг сўзини эшитиб турганлар унинг бирор айби борлигига ишонмасалар ҳам ўғлини ҳимоя қилмай, номини сотаётган отадан ҳафсалалари пир бўлаётганди. Йигит буни дарҳол фаҳмлади. Уста Умарни ноқулай вазиятдан халос қилиш учун унга ёрдамга шошилди. Лекин бир оз кутди. Яхши ният билан уста Умарга ёрдамлашаркан, бунинг учун Яратганнинг ризолигига эришадими-йўқми шуни ўйлади. Ҳақиқатни ойдинлаштириш учун уста Умарга юзланди:

– Дастлаб безовта бўлдингиз. Кейинги хабарни эшитиб, шубҳангиз шодликка айланди. Уста, тинчликми? – деди.

– Э, нимасини айтасиз? Молия вазирлиги-

даи' безовта' қилаяпмиз дейишганида, очиги, кўрқдим. Лекин ниятларини айтгач кўнглим' хотиржам тортди. Ўғлим молия вазири рафӣқасининг буюртмаси асосида мана шу тақинчоқни ясаб берганди. Дугоналарининг йиғинида вазирнинг хотини бу тақинчоғи билан ҳаммани маҳлиё қилибди. Энди бошқа дугоналари ҳам шундай тақинчоқ ясантирмоқчи. Юзга яқин буюртма тушди, — дея жавоб қилди чеҳрасида қувонч балққан ота.

Харидорлар ҳам бу хушxabарни эшитиб севиндилар. Уста йигитга юзланди.

— Мендан ранжима, йигитча. Сени ҳам анча куттирдим. Қадаминг кутлуғ келди. Шунча даромад келтирдинг бир кунда...

— Астағфируллоҳ. Харидорлар сизнинг хунармандлигингиз, ясаган ашёларингиз учун келяптилар. Ахир сиз жом идишларга гўзал, бетакрор нақшлар чизяпсиз.

— Исминг нима йигитча?

— Рашид.

— Танишганимдан хурсандман. Исминг жис-мингга муносиб экан. Қадимги донишмандлар инсон ўз исми билан туғилади дейишган. Ҳа, ишга қайтайлик... Қандай юмуш билан келган эдинг? — дея сўради уста Умар.

Рашид идишдаги капалакни ноёб хазина-ни узатгандай устанинг қўлига тутқазди:

– Шу капалакни асраш учун чиройли бир идиш ясаб бера оласизми?

– Бу капалакнинг нимасига маҳлиёсан? Чиройи ҳам йўқ.. Кўримсизгина-ку...

– Сиз айтган чиройли капалаклар, одамнинг қалбини тушуниб, дардини эшитмайди-да! – деди Рашид.

– Ҳм-м, шундай дегин. Капалагим ўзига хос, дейсан-да. Ҳа-а, ёшликда одам нималарга ишонмайди, – кулимсиради уста. Рашид ҳам унга кулиб жавоб берди:

– Тахминингиз нотўғри. Тўғри, капалагим ўзига хос. Лекин бу сиз ўйлаган нарса эмас.

Уста Умар қўлида ушлаб турган капалакни бир ўзига яқинлаштириб, гоҳ ўзидан узоқлаштириб, диққат билан унга қарай бошлади. Капалак учун гоҳ қандай қути ясашни ўйлар эди. Йигитча устага бу хусусдаги фикрини баён қилди:

– Дўконингизга келиб ўғлингиздан кўп нарса сотиб олгандим. Мана бундай ажойиб шиша қутидан ясаб бера оласизми?

– У ҳолда, болам, мендан хафа бўлма. Бундай қутини мен ясай олмайман. Ўғлимни кутасан. Мен ясаганим билан капалак сенга


бошқа гапирмай қўяди. Бундай нозик ишлар ўғлимнинг қўлидан келади, — дея узр айтди уста.

Иккиси бир-бирига қараб жилмайди. Рашид капалакни авайлабгина қўлига олди. Дўкондан чиқаётганида эшик олдида қўлида товус патини ушлаган қизчага урилиб кетаёзди. Рашид ортига тисарилиб, қизчага йўл берди. Сиёҳранг рўмол ўраб олган гўзал қиз бунинг учун Рашидга миннатдорлик билдириб, раҳмат айтди.

— Умар амаки, шуни сизда қолдирсам бўладими? Уйга олиб бориб, яна олиб келсам, пат уриниб қоладими, дея қўрқяпман. Нариги дўкондаги наққошга китобимга безак чиздирмоқчи эдим. Лекин уста Истанбулга кетибди. Бир неча кун кутаман энди, — деди қиз ҳаё ила.

Рашид беихтиёр ортига ўгирилиб, яна бир марта қизга қарашдан ўзини тўхтата олмади. “Хаёлимдаги қиз” — дея ўйлади. Қўлидаги товус пати мисоли нозик ва соҳибжамол экан. Йигит ўзининг кўнглидан ўтган истакдан уялиб кетди. Унга худди хаёлидагини бошқалар уққандай туюлди. Уста Умар йигитнинг бу қилигидан нима хаёлга борди экан?

Йигитча ҳали уйланмаган, қиз эса юраги-



ни жиз эттиргани учун унга яна қараган эди. Йигит оқила қиз билан танишиб, у билан оила қуриш ниятида эди. Балки тақдирига шу қиз ёзилгандир...

Дўкондан чиқиб уста Сулаймоннинг дўконига йўл олди.

— Ассалому алайкум! Билол яхшимисан? Уста Сулаймон борми?

— Отам Истамбулга кетган. Бирор ишингиз бўлса менга айта қолинг. Нима хизмат?

— Тавба, нима, ўзаро келишиб олишганми? Бугун барча усталар шаҳар ташқарисига кетган, — деди йигит кулимсираб. — Шу капалакни хонанинг четроғига олиб қўясанми? Уста Умарнинг ўғли қайтгунча шу ерда турсин. Унга шу капалак учун қутича ясатмоқчиман.

Билол капалакка назар ташлади. Каралак унга ёқмагани юзидан билиниб турарди.

— Отамда бундан-да чиройлилари бор. Йўлида учраган капалакни териб келади. Отам сизни жуда ҳурмат қилади. Сўрасангиз, капалакларидан бирини сизга берар.

— Мен ички дунёси гўзал капалакларни излаб юрибман.

Билол ички дунёси гўзал капалак қандай бўлишини тасаввур қила олмади. Лекин ортиқча савол бермасдан капалакни олиб,

хонанинг бурчагидаги чекка жойга қўйди. Рашид барини кузатиб турганди. Бир лаҳза ичида хаёлидан нималар ўтмади дейсиз... Бу капалак Рашиднинг ҳаётида катта ўзгариш ясади. У шу капалак туфайли тафаккур дунёси кенгайиб, жонзотлар ҳам сўзлаша олишини идрок қилди. Мана, олдида иккита санъат асари турибди. Бири—уста Сулаймон қоғозга чизган гўзал нақшлардан иборат тазҳиб санъатининг бетакрор намунаси... Унга тилла суви югуртирилган ранглар жилоси кўзни қамаштиради. Иккинчиси — Оллоҳ таолонинг яратган асари, коинотнинг ҳамма жойида учадиган капалак.

Бирининг устаси — инсон бўлса, иккинчи асарнинг яратувчиси Оллоҳ таолодир. Оллоҳ Қуръони каримда: “Ер юзида инсонни халифа қилиб яратдим” деган. Рашид хаёлга берилиб қолганини сезмади. Ўзига келгач, Билол билан хайрлашди. “Отангга салом айт!” — дея дўкондан чиқди. Рашид кетгач Билол анча пайт капалакка тикилиб турди. Лекин Рашид айтгани каби капалак у билан сўзлашмади. Ё Билол буни фаҳмламадими?

Рашид уйига қайтмоқчи эди. Лекин уста Сулаймоннинг дўконидан чиқар-чиқмас қулоғига қадрдон овоз эшитилди. Уни

шаҳарнинг “китобчи амакиси” чақираётган эди. Университетда доцент бўлиб ишлайдиган бир зиёли унга шу лақабни берган эди. Унга “китобчи амаки” деб лақаб қўйилишининг уз тарихи бор. Талабалар дарс тинглаб ўтиришганда, бир талаба ўша кишининг исми-ни ҳеч эслай олмай, «эй шу китобчи амаки бор-ку!» деган. Ушандан бошлаб у кишининг исми “китобчи амаки” бўлиб кетди. У киши гоаят китобсевар эди. Ноёб китобларни олиб келиш учун минг километр йўлни пиёда босиб ўтишга ҳам тайёр турарди. Бир кун битта китоб учун 100 минг пулни шартта бериб юборган. Китобларни гоаят қадрлар эди. Буни «телбаллик» дейдиганлар ҳам бор, одаг бўлиб қолган дея уйлаганлар ҳам топилади. Қадрдонлари «Али Шарафиддиндан устидаги костюмини сурасангиз, индамасдан ечиб бериши мумкин. Лекин китоб сурасангиз, бошини олсангиз ҳам бермайди», дея ҳазиллашишарди. Йўқотган, бировга бериб қайтариб ололмаган китоблари учун неча кунлаб мотам тутарди. Кутубхонасидаги ноёб китоблар шаҳарнинг тўрт томонига машҳур эди. Бир олим унинг доврўғини эшитиб, ноёб китобларидан бир нечтасини сотиб олмоқчи бўлганида, амаки унга:

– Одам ўз фарзандларини ҳам сотадими? – дея жавоб қилган экан.

Хуллас, «китобчи амаки» дея танилган Али Шарафиддин университет талабаларига латифа айтиб бераётган экан. Рашид ҳам тингловчилар сафига қўшилди.

– Бир подшо бор экан. У ўзини ғоят истеъдодли шоир санаркан. Атрофидагилар унинг ёзган ҳар бир тўртлигини мақтаб, кўкларга кўтаришар экан. Лекин подшо уларга эътибор бермасдан шаҳарнинг бош шоиридан мақтов кутар экан. Ёзган шеърларини унга кўрсатса-да, лекин ундан бирор марта илиқ сўз эшитмас экан. Чунки у шоир ҳақгўй бўлиб, тилёғламалик қилмас, ҳар бир сўзи ўқдай киши кўксини тешиб ўтар экан. Подшо гуну кун ухламасдан ажойиб шеър ёзибди. У шоирни ҳузурига чақириб, шу шеърини кўрсатибди. Ичида: “Зўр шеър битдим, шоир қойил қолади” дея қувониб қўйибди. Шоир шеърни охиригача ўқибди. Лекин юзида ҳеч мамнунлик ифодаси кўринмабди.

– Подшоҳим, бу шеърингиз аввалгиларидан сал яхши. Лекин ҳали меъёрига етмаган, – дебди. Подшо аччиқланиб:

– Бу набакорни оғилхонага қаманг. Бир ҳафта ташқарига чиқарманг, – дея буюриб-

ди. Амр темир кесар. Ахир подшо амри во-
жиб. Шоирни қамаб қўйишибди. Неча аср-
лар ўтган-ку. Бир ҳафта ўтмай қолармиди?!
Олам яралгандан буён шу қоида амал қилади.
Шоирни шу тарзда жазолаб, бир ҳафтадан
сўнг қўйиб юборишибди. Подшо эса яна
шеър ёзишда давом этибди. Яна бир куни
шеърини кўрсатиш учун шоирни ҳузурига
чақиртирибди. Шоир шеърни диққат билан
ўқиб, шоҳга узатар экан, шундай дебди:

– Подшоҳим, офилхонага қандай борилади?
Мен яна офилга йўл ола қолайин,

Талабалар мириқиб кулишди. Баъзилари
чапак ҳам чалишди. Али Шарафиддин ла-
тифаси барчани хушнуд этганидан хурсанд
эди. Рашид атрофдаги талабаларини куза-
тар экан, кўзи боя уста Умарнинг дўкони-
да учратган қизга тушди. Қиз жиддий, лекин
қовоғи осик эмасди. Ҳусни жамоли ибо пар-
дасига ўралган эди. Ёнидаги дугонаси билан
оҳиста овозда нималар ҳақидадир сўзлашар
эди. Шу лаҳза негадир онаси ва бувисининг
дуоларини эслади. Улар Рашидга доим:

– Болам, Худо сенга баракали иш ва иболи
ёр ато этсин! – дейишарди. Шу пайтда ички
овози ҳам унга шундай деди:

— Ота - онангнинг дуоси туфайли Оллоҳ сенга ҳаёлот касб-кор ато этди. Иболи ёр эса мана қаршингда турибди.

Рашид дуоларнинг ижобат бўлишига чин юракдан ишонар эди. Шунинг учун яхшилар дуосини олиш унинг ҳаёти мазмунига айланган эди. Ҳар қадамида бажарган амалига эътибор берарди. Агар бирор кун кимдандир “Худо сендан рози бўлсин” мазмунидаги дуони олмаса, шом бўлмасдан яна кўчага чиқар, кекса қариндошлари, беморларни йўқлаб борар ҳеч бўлмаса, адашиб манзил сўраганларга йўл кўрсатиб юборар эди. Рашид хаёлини йиғиштириб, яна Али устозининг маърузасини тинглай бошлади. Али Шарафиддин маърузасини тамомлади ва талабалар билан хушвақт хайрлашиб, уни тинглаганлари учун ташаккур айтди. Ёшлар хонадан чиқишди. Бояги қиз ҳам атрофга қарамасдан ўзига ярашган жиддият билан кўчага йўл олди. Рашид қизнинг бу ҳаракатидан бир неча хулоса чиқарди. У ана шундай маъсума қиз билан танишишни орзу қилганди. Одобли, иболи қиз... Кўчага чиққанида ўзини кўз -кўз қилмайди. Оҳиста юради, пардоз кишини ўзига жалб қилмас даражада билинар —билинемас, кийимида ортиқча ҳашам йўқ. Рашид

қизни кўздан йироқлашгунча кузатиб турди. Шу пайтгача шундай қизни учратмаган эди. Яна қачон у қизга дуч келишини билмайди. Юраги бир ўртанди. Қизнинг ортидан бориб, қалбини очмоқчи, унга уйланмоқчи эканини айтмоқчи бўлди. Лекин бунга журъати етмади. Тақдири азалга қўйиб берди. Агар қиз унинг тақдирига битилган бўлса, албатта, уни учратади. Шу пайт ёнидан Аҳмад фолбин ўтиб қолди. Рашид чўнтагидан бир неча танга олиб, унга берди. Аҳмаднинг бир яхши одати бор. Келажакда нималар бўлишини тахмин қилади. Унинг бу тахмини кўпинча тўғри чиқади. Лекин тахминини айтишдан аввал “яна Худо билади” дейишни канда қилмайди. Рашид ундан:

– Қачон кўраман уни? – деб сўради. Аммо тафсилотини айтиб ўтирмади. Аҳмад унга бир қараб:

– Яна Худо билади. Қизни 11 ноябрда пайшанба куни кўрасан, – дея жавоб қилди. Унгача уч ой бор эди. Рашид учун бу муддатнинг ўтиши азоб эди. Телба Аҳмад ўз йўлига кетди. Рашид уни кузатиб қоларкан, ундан келажакни сўраб гуноҳга қўл урмадиммикин, дея ўйлаб қолди. Аҳмад ўқиш – ёзишни билмас эди. Баъзиларнинг айтишича, болалиги-

да унинг зеҳни жуда ўткир бўлган. Оиласи ночор яшагани учун мактабга бора олмаган. Шундан кейин бола кўчама-кўча телбаларча дайдиб юрадиган бўлиб қолган. Баъзиларнинг айтишича эса Аҳмад туғма ақли заиф бўлган. Шунинг учун уни мактабга қабул қилишмаган. Нима бўлганда ҳам ўқиш — ёзишни билмайдиган бу боланинг воқеаларни қайси сана, кунда содир бўлишини аниқ айтиб бера олиши кишини ҳайратга соларди. У ўтган ва келаётган ўн йиллик ичида ойнанинг қайси куни ҳафтанинг қайси кунига тўғри келишини адашмай айтиб беради. Масалан, 2010 йил 10 ноябрь қайси кунга тўғри келади, дея сўрасангиз, дарров “чоршанбага” деб жавоб берар ва айтгани тўғри чиқарди. Не — не олимлар аниқлай олмаган саноатга бу муштдай боланинг ақли етгани ҳаммани лол қилган эди.

Аҳмад тиланчилик қилмасди. Лекин хизматига пул беришса, оларди. Кўзи тўқ, нафсига ҳоким эди. Шу боис Рашид Аҳмадни жуда ҳурмат қиларди. Унга яхшилик қилган кунлари йўли очилиб, ишлари юришганини сезарди. Аҳмадни кўплар назар-писанд қилмай, салом ҳам бермасдан олдидан безрайиб ўтиб кетишади. Аҳмад эса жилмайиб ҳаммага са-

лом берар, Худонинг бандалари олдидаги қарзини тўлашни канда қилмас эди. Беш қўл баробар эмас, дегандек маҳалланинг болалари, баъзан катталар ҳам Аҳмадни мазах қилишар эди. Рашид эса бундан аччиқланар, Аҳмадни доим ҳимоя қиларди. У Аҳмаднинг тушунарсиз гапларидан маъно-мазмун ахтарарди. Бир куни Аҳмад Рашидга шундай деганди:

– Рашид ака, сиз Худони унутмасангиз, У Зот сизни ҳеч қачон унутмайди. Рашид неча кун ичида бу иборани қайтариб юрди. Унутилмай суюкли банда бўлиш учун Худони янада кўпроқ эслайдиган бўлди. Дарҳақиқат, ризқни бергувчи Оллоҳдир. Инсон насибаси тугаган куни, минг чиранмасин, томоғидан бир томчи сув ҳам ўтмайди. Рашид Аҳмадни мана шундай гўзал таваккул соҳиби бўлгани учун ҳурмат қиларди. Рашид тўрт йил аввал ширкатда ҳисобчи бўлиб иш бошлаганди. Бир ой синов муддати белгиланганда ишнинг йўқотмаслик учун бор ғайратини ишга солди. Бир ўзи уч ходимнинг ишини бажарар, иш-хонага ҳаммадан олдин келиб, қен қайтарди. Лекин шунда ҳам ширкат раҳбарига ёқмади. Рашид қаттиқ ранжиганидан, онасига:

– Бу шаҳарда менга муносиб иш йўқ экан. Истанбулга кетаман, — деди.

Она ўғлининг йироққа кетиб, мусофирчиликда қийналишини истамаганидан, тилла билагузугини соттирган ва ўғлига бир ривоят айтиб берганди. Унда нақл қилинишича, қадим замонда бир заргар бўлган экан. Заргарнинг уйига бир куни ўғри тушиб, ҳамма нарсасини олиб кетибди. Шунда заргарнинг хотини: “Дод, уйим куйди. Ҳамма тилла тақинчоқларимдан айрилдим” дея фарёд чекса, эри бамайлихотир ўтириб чойини ичаётганмиш.

Хотини аччиқланиб:

– Ҳой, қанақа эрсиз? Барча тилла билагузукларидан ажралдим. Ҳатто, кўйлаklarимгача олиб кетибди. Бемалол ўтиришингиз нимаси? — деганда заргар:

– Ўғри кўлимдаги тиллани ўғирлаб кетолмади. Мен ҳунаримни ҳеч қандай бойликка алмашмайман. Қайғурма хотин! Ҳунарим кўлимда турибди. Сенга ажойиб тақинчоқлар ясаб бераман, — дебди.

Онаси Рашидга шу ривоятни айтиб, қандай хулоса чиқаришни ўғлининг ўзига ҳавола қилди. Онаси Рашиднинг техникага жуда қизиқиши, компьютерни яхши ўзлаштиргангани, маҳалла ёшларига компьютерда дастурлар тайёрлашда кўп ёрдам беришини биларди. Шунинг учун:

– Болам, шу билагузукни сотиб, ўзингга компьютер дўкони оч. Йигитнинг моли ерда. Насиб қилса, ишларинг юришиб кетади, – деди.

Рашид жуда хурсанд бўлди. Битта бинони ижарага олиб, компьютер дўконни ишга тушириш ҳаракатига тушди. Дўконда иш бошлаган куни сувдай зилол, ҳалол ишлашга ўз – ўзига ваъда берди. Ширин муомаласи, сямимийлиги, очиқ чеҳраси, ишонч унинг савдосида энг катта ёрдамчи бўлди. Кўп эмас, бир йилдан сўнг онасига ажойиб совға – ўша тақинчоқдан ҳам чиройли билагузук ҳадя қилди. Онаси Рашид унга тилла тақинчоқ олиб берганидан ҳам кўра, ўғлининг у айтиб берган ривоятдан тўғри хулоса чиқарганидан кўпроқ севинди. Ўғлининг ҳалол, меҳнаткаш йигит бўлиб етишганидан боши кўкка етди. Энди онаизорнинг ягона тилаги-ўғли меҳрибон умр йўлдошга йўлиқсин. Иккиси бахтли яшаса, она у дунёга хотиржам кетади. Рашиднинг дўстлари ажойиб кишилар эди. Улар тез-тез йиғилиб, меҳр-оқибат, ҳаёт синовларидан суҳбатлашишарди. Дўстларнинг суҳбатига ғийбат аралашмас, бировнинг ҳаётини бузувчи фисқ-фасод гаплар гапирилмас эди. Онаси Рашиднинг улар би-

лан кўришиб, суҳбатлашиб туришини ман қилмас эди. Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдиган Ҳусайн Рашиднинг суҳбатларини мароқ билан тингларди. Дўсти Закариё ҳам: «Рашид доим топиб гапирди. Оқилона фикрлари одамни ўйга толдиради. Мен компьютердан фойдаланишни билмайман. Болаларим эса интернетнинг бошидан кириб, охиридан чиқишади. Улар газетадаги янгиликларни мендан аввал интернетда ўқиб билиб олишади. Мен ҳам қизиқиб компьютерни ишлатишга уриндим. Ўлсин, унинг «сичқонча»ми, «мишка»ми, дейиладиган нарсасини кўлим билан бошқара олмай, кўп хуноб бўлдим. Экрандаги белгини керакли файлга олиб бора олмай, асабийлашиб кетдим» — деди.

Дўстлари унинг жайдари гапларига кулиб кўйишди. Шу баҳонада компьютернинг яхши-ёмон жиҳатлари хусусида баҳс-мунозара кечди. Лицейда ишлайдиган дўсти Узайр таъкидладики:

– Инсоннинг хатоси ўзининг бошини ейди. Компьютерни билмайдиган инсон ўзининг бу камчилигидан уялмаса бўлади. Лекин савоб амал нималигини билмай яшаш — инсон учун жуда уят. Ахир одабийликнинг ана шу

жабҳаларини билмай яшаш умрни беҳуда ўтказиш-ку!

– Ҳамма гап мана шунда! – Унинг фикрини давом эттирди Рашид, – Оллоҳнинг ҳисоб-китоби муқаррардир. Мен ҳам хатолар қилганман. Бола эдим. Болаликда дунёқарашингиз маъсум бўлади. Бу пайтда инсон гуноҳ ишларга қўл урмайди. Бу ҳаётда синоат кўп. Иймони бўш бандалар “Муҳаммад кўз очиб юмгунча қандай чиқа оларди?” – дея Меърож ҳодисасига шубҳа билан қарадилар. Ҳозирги пайтдагидай техника воситалари бўлмаган, фақат от ва туялар бор бир замонда инсоннинг самога кўтарила олишига фақат Абу Бакрдай эътиқоди бутун инсонлар каби ишонишимиз бизга улуг савобни ёзади. Узоқ эмас, эллик йил аввал дунёдан ўтган бир кишини ҳозир тирилтирсангиз, у бугунги кунни кузатиб, ақдан озиши аниқ. Тугмадек флешкага юзлаб кино сифиши, интернет орқали дунёнинг у бурчагидаги қариндошингиз билан гаплаша олишингиз... Ўша киши худди қаршисида сеҳргар тургандай ажабланиб кўрққанидан қайтадан жон берса, ажабмас. Сиз онлайн орқали боғланиб, чет элдаги жиянингиз билан бемалол юзма – юз кўриша оласиз. У ичаётган

чойингизнинг рангини кўриб турибди. Сиз ҳам унинг сочи қайси томонга таралганини кўриб турибсиз. Аслида биз замон ва маконга тобе мавжудотмиз. Замон ва маконнинг Соҳиби номига қанча ҳамду сано айтсак ҳам кам.

– Рост, болаликда нималарни хаёл қилмаймиз, — мавзуни давом эттирди Закариё, — Худо шунча одамни бирма-бир қандай кузата оларди, деб ўйлардим. Боя техника, камера, компьютерларни эслатиб, яхши мисол келтирдинг, Рашид. Камера билан боғлиқ бир воқеани айтиб берсам. Биласиз иккита дўконим бор. Ораси узоқ эмас, бир километрча чиқади. Иккинчи дўконни камерада кузатиб бораман. Янги ишга олган шогирдимнинг бир ҳаракати эътиборимни тортди. У тез-тез ташқарига чиқиб, чўнтагидан бир нима олиб, юзига босарди. Хавотирландим. Телефон қилиб, “Тинчликми? Соғлигинг жойидами? Бўлдмаса, бугун ишдан жавоб бера қолайин”, — дедим. Шогирднинг жавоби мени ҳайратга солди. Чунки у саволимга шундай жавоб қилганди:

– Хўжайин, шамоллагандим. Бурним тўхтамай оқаяпти. Сиз камерадан кузатиб туришингизни билардим. Шунинг учун сиз-

га қараб, бурнимни қоқмай дея, ташқарига чиқиб, бурнимни артиб келаётгандим. Ахир бировга қараб бурнини қоқиш одобсизликда!

Бу ибратли воқеа барчага ёққан эди. “Баракалла” — дея хитоб қилди барча юзида табассум билан.

Закариё ҳикоясига якун ясар экан, шундай деди:

– Рухсатингиз билан Рашид айтгани сингари, мен ҳам шу воқеанинг хулосасини айтсам. Шогирдим уятни билгани боис, мендан яшириб, шуни бажарган. Лекин ҳар биримизнинг ҳам ҳар қандай ишимиз Жаноби Ҳаққа аён. Яхши-ёмон ишларимиздан ҳеч бири У зотнинг назаридан четда қолмайди.

– Ҳақ рост, — деди Рашид. — Ажойиб якун. Мен ҳам шу фикрга қўшимча қилсам... Бугунги кунда компьютер ва камералар кишиларнинг хатосини кўрсатишга ҳам хизмат қилмоқда. Жаноби Ҳақнинг Саттор сифати борлиги ҳаммамизга маълум. У зот бандасининг хатосини яширгувчи Зотдир. Шунингдек, бандаларига ҳам бировнинг хатосини яшириш, гийбатини қилиб, бошқаларга ёймасликни амр қилган. Ёмон хаёл (гумон) дан сақланиш лозим. У гийбатга олиб бора-

ди. Бировнинг камчилигини айтиб, калака қилаверса, у орияти келиб, ўзини ўлдириш-гача бориши мумкин. Беайб Парвардигор экан, ўзимизни камтар тутайлик. Камера қўйилганини билиб, хато қилишдан сақланиб яшаш яхши-ю, Оллоҳ кўриб турганини унутиш яхшими? Зотан, Оллоҳ таоло ҳамма нарсани кўрувчи ва билгувчи Зотдир.

Ошналар, бугунги йиғилишимизни шу дуо билан якунлай. Дастурхон атрофида туриб, қани бир чиройли дуо қилайлик:

– Ё Парвардигор! Биз гуноҳкор бандаларни ўзинг мағфират айла. Кўзимиз ўнг – чапга қарайди. Кўлимиз эгриликка қараб чўзилади. Бу иймонимиз сустлигидандир. Ўзинг хатоларимизни яшир ва чин қалбдан тавба қилишни насиб эт. Соф иймон, пок қалб соҳиби бўлайлик...

Дўстлар чуқур сукутга толган. Бу сукунатни хонадон соҳибининг Ҳиндистондан олиб келган булбуллари навоси бузар эди. Улар ҳам дўстлар суҳбатини тинглашдимикан? Бу коинотда, ҳатто, тош ҳам Раббимизга тасбеҳ айтар экан, балки, ушбу булбулларнинг навосида ҳам Яратганга шукр ва ҳамд-сано бордир?

Рашид ҳам, унинг дўстлари ҳам бу саволга жавоб беришга ожиз эди.

Уста Умарнинг ўғли сафардан қайтиб келди. Халил Иброҳим учоғига олов ёқиб, темирларни қиздира бошлади. Уста Умар негандир оловга тикилиб қолди. Хаёл уни ўтмишга етаклади. Халил Иброҳим—унинг еттинчи фарзанди. Фарзандига ҳар гал кўзи тушганида неча йиллар аввал қилган гуноҳи ёлга тушади... Ўшанда эр-хотиннинг гуноҳи ўзига етарли эди-еттинчи фарзандни асло исташмаган эди. Бироқ Худонинг инояти билан хотини еттинчи марта яна ҳомиладор бўлган эди. Эр-хотин замонавий тиббиёт ривожланиб келаётган бир пайтда бу боладан возкечмоқчи бўлишди. Маҳалладаги доядан ёрдам сўраб боришди. Доя ҳомила нечанчи эканлиги, нима сабабдан олдирмоқчилигини суриштираркан, жавоби қатъий бўлди:

— Агар болани боқа олмайман, дея кўрқиб аборт қилмоқчи бўлсангиз, узр, мен буни амалга ошира олмайман. Чунки жонни берган, ризқни ҳам беради. Гуноҳидан кўрқаман, — деди доя, — бошқа доя топа қолинглар.

Эр-хотин иккиланиб, ортга қайтдилар. Бир куни Умарнинг кўлига бир газета тушиб қолди. Унда босилган “Яшашни истайман”

номли шеър иккисининг ҳам қалбини ўртаб юборди. Шеърнинг ҳар бир мисрасида бола ноласи ифодаланган эди.

Сизнинг мурғак гуданингизман, қулоқ солинг ноламга,
Баҳорнинг нафис гулларига етгани ахир,
Бу дунё сизга ҳам етар, нафас олишимга изн беринг,
Бир бора қуёш рангини кўрмоқ менга қадри
Мени улдирма, илтимос, эй она, онаман ахир,
Билмайман, ўз фарзандини ҳам ўлдирарми ота?
Ўз наслдан воз кечмаган, ҳатто, чаён зоти.
Мен сизнинг бир парчангизман
Мени улдирма, илтимос, жон отам.
Яшашни истайман, яшаётганлар мени тушунар,
Ота,бу орзу қачонлардир сенинг ҳам бонингдан утган,
Туғилмай туриб, ҳис қила олмайман ўлим нелигин,
Қушлар овозидан овозим битсин,
Ҳозирламанг ундан олдин менга мазор,
Бир маъсум гудакнинг қони тутмасин сизни,
Шу митти қўлларим маҳшарда тутар ёқангиздан,
Имонингиз суст бўлса, ачининг ўзингизга,
Меҳр-оқибатингиз бўлмаса, давлат ҳам бўлмас
Ризқни бергувчи Оллоҳдир, сизлар бандасиз, холос.
Ота... юзингизни кўрсатинг, уялмасангиз гар қизариб.
Она, бас, бу дунё ва охиратда бу ишингиз айбдир.
Сизда на одамийлик бор, на меҳр-оқибат.
Сиз золим бўлсангиз ким ҳам менга ачинар?
Ўлимга ҳукм қилгувчи ота-онадир наҳот?
Бу жон бир тийинга ҳам тенг кўрилмас
Бу дунё қандай бозор экан?
Қайси тил, қайси қалам менинг ҳолимни баён эта олар?
Замонавий тиббиётми, она қорнида гўр ҳозирлаган?
Ҳали аҳдингиздан қайтмаган бўлсангиз, майли,
Ўлдиринг мени
Лекин бу билан адо этолмасиз менинг ҳақимни.

Уста Умар неча кунлаб мана шу шеър таъсирида яшади. Ҳар бир мисра ханжар бўлиб,

унинг кўксига қадалар эди. Хотини билан бафуржа гаплашиб, болани дунёга келтиришга қарор қилишди. Чунки ризқни берувчи Оллоҳнинг қаҳридан кўрқдилар. Бу фарзанд ҳам оилага файз-барака олиб келишига умид қилдилар.

Августда жажжи ўғил дунёга келди. Исмини Халил Иброҳим қўйдилар. Боланинг исми баракат ва осудаликни англатарди. Шунингдек, севимли пайгамбаримиз Иброҳим (а.с.) исмига ҳавасни билдирарди. Иброҳим лицейдан сўнг ўқишини давом эттира олмади. “Ҳаётим жомдай ёрқин бўлсин” — дея ҳаётини ҳунар ўрганишга бағишлади. Устага шогирд тушди. Дўсти сабр, ҳамроҳи меҳнат бўлди. Ниҳоят, икки йил деганда ҳунарнинг бор сир-синоатини ўрганиб олди. Эндигина ёши йигирмада бўлишига қарамай, шаҳарда Иброҳимга етадиган уста йўқ. У мамлакатнинг энг яхши усталари сафига кирган эди. Иброҳим ота-онасидан ўзининг туғилиш ҳикоясини минг маротаба эшитган. У гўдакни асраб қолган Ҳожар дояга минг маротаба ичида ташаккур айтиб, ҳар куни уни дуо қилади. Ҳожар доя айтгандай, мана, Иброҳим ажойиб инсон бўлиб улғайди. Ўз касбининг устаси, ахлоқ-одобига ҳамма ҳавас қилади.

Иброҳим ўз исмидаги ҳикматни излаб яшайпти. Тонгдан шомгача устахонада ишлайди. Асло нолимайди. Оташни гўзал гулга айлантришга интилади. Олов унга темирдан гуллар яратишига кўмаклашмоқда. Мисга ўйилган нақшлари жуда чиройли. Мана шу ҳунари туфайли дастурхонидан ризқ-барака аримайди. Отаси унинг энг яқин дўсти. Отасининг ҳурматини доим жойига қўйиб, унинг дилини оғритишдан жуда кўрқади. Иккиси доим бир-бирига суянчиқ. Халил Иброҳим отасига шишанинг тарихини айтиб бераркан, шундай деди:

– Жуда ғалати, тўғрими ота? Шиша кумдан олинади. Қурувчиларнинг шарофати билан товуш, ҳаво ва иссиқ ўтказмайдиган ойна бўлиб, деворларга ўрнатилади. Хона ойна туфайли яна қоронғи бўлиб қолади. Ана шу шиша усталарнинг қўлида шаффоф нодир асарга айланади. Шишадан пирамидалар ясаганимизда нурлари ортади.

Уста Умар шишага қизиқмаса ҳам бу хусусда ўз фикрини билдирди:

– Кум — тупроқнинг онаси. Биз ҳам тупроқдан пайдо бўлганмиз. Шишадан ясалган кўзойнак жонимизга оро киради. Шишада бетакрор гўзаллик мужассам.

– Ассалому алайкум! – дея шу пайт кириб келди Рашид. Ота-бола баравар алик олишди.

– Хуш келибсан, Рашидбек, – деди уста Умар, – сенга боя айтгандим. Капалак масаласи.

– Иброҳим, шу жонсиз капалакка шишадан қутича ясаб бера оласизми? – деди Рашид капалакни узатиб. – Сиз ясаган қутилар жуда ажойиб!

Иброҳим капалакни диққат билан кўздан кечиргач, Рашидга қараб:

– Биласизми, ака, бу капалак учун сиз айтгандай қутича яшаш анча мушкул. Оғзини беркитишим учун шишани қиздиришим зарур. Сиз учун муҳими, менимча, капалакнинг қаноти, қўлини ўраш. Шундайми? – деди.

– Баракалла, мени тўғри тушунибсиз! Раҳмат сизга, – деди Рашид.

Ота ўғилга, ўғил отага ҳайрон қарадилар. Рашиднинг нимадан мамнун бўлганини тушунолмай, иккиси ҳам ажабланди. Умар:

– Ўғлимнинг гапига нега қувонаяпсиз?! Ахир у қутичани ясай олмайман деяпти-ку! – деди Рашид, – ҳақиқатан шундай эди. Ҳақ бўлган, тўғри бўлган ҳамма нарса гўзалдир

аслида. Содда қилиб тушунтирадиган бўлсам, бугун одамлар орасида йўқолиб бораётган инсонийлик нафаси бор эди бу жавобда. Пул топиш учун бошқаларни алдаш ҳозир одатга айланган. Ўғлингиз пул ишлаб олишни мақсад қилмасдан андиша билан очигини айтди. Ноинсоф уста бўлганида бу ишни қилолмаслигини билса-да, пул ишлаб олиш учун «ясайман!» дер эди.

– Ростини айтсам, мен бошқа нарсага ҳайрон бўлаяпман, — сўради Иброҳим:

– Гулзорда қанча ажойиб, гузал капалаклар бор. Сиз эса бундай оддий қанотли капалак учун жон куйдириб ўтирибсиз...

– Мен ҳам чиройли капалаклар кўплигини биламан. Лекин бу капалак мен учун қадрли. Чунки у сўзлаша олади.

– Рашиднинг бу гапига уста Умар кулди.

– Кел, Рашид ўтир. Ўғлим, бизга битта аччиққина чой дамла. Унгача мен сизларга бир Насриддин Афанди латифаларидан айтиб берайин. Рашид «Капалагим одамлар билан гаплашади», деганида шу латифа хаёлимга келди.

Ўғли ширин чой олиб келди. Умар чойни хўплай-хўплай латифасини сўзлаб берди:

– Бир куни Афанди бозорга борибди. Биров 20 тангага тўтиқуш сотиб ўтирган экан. Афанди ҳайрон бўлибди.

– Ука, шу муштдай қушга 20 танга сўраяпсанми?

– Албатта, бу қуш гапира олади. Сиз нима десангиз, уни қайтаради. Шу боис қиммат...

Афанди уйига келибди. Катаклаги куркасини олиб, яна бозорга қайтибди. Бояги одамнинг ёнига ўтириб, куркасига харидор чақира бошлабди. У қизиқиб курка неча пуллигини сўради.

– Қирқ танга, – жавоб берибди Афанди.

– Вой бўўў, бозорда куркани беш тангадан ошиғига олишмайди. Сизники бунча қиммат?

– Ахир сенинг тўтинг гапира олади-ку! Менинг куркам эса файласуфлардай фикрлай олади. Шу боис нархи баланд.

Ҳаммалари латифани эшитиб кулиб қўйишди. Халил Иброҳим:

– Энди бизга капалагингизни гапирувчанлик фазилатини ҳикоя қилиб берсангиз. У қандай гапира олади? – деб сўради.

– Сўрашга ҳақлисан, ука! Жонли капалак гапира олмаганда, жонсиз капалак қандай гапира олади, демоқчисан-да, шундайми?

– Ҳа, бу мени жуда қизиқтириб қўйди.

— Бу сирни ҳаммага ҳам айтавермайман, — деди Рашид секингина. — Лекин чеҳрангиз айтиб турибди, сизлар Яратганнинг мавжудотларини қадрлайсиз. Капалакларнинг умри қисқа дейишади. Лекин улар шу қисқа умрини шунчалар чиройли яшашадики, ачи ниш ўрнига, уларга ҳасадинг келади баъзан. Учишдай ажойиб фазилати бор. Балки эшитгандирсиз, халқда бир гап бор: Мисрда битта ўғлон туғилса, Нил соҳилида майсалар кўкаради. Қаерда гул кўкариб чиқса, шу ерда капалак яратилади. Гул бор ерда, албатта, капалак бўлади. Капалакнинг бутун умри гулзорда ўтади. Капалакнинг умри қисқа бўлса ҳам гўзалдир.

— Бор сир-синоат шуми? — сўради уста Умар.

— Йўқ. Бугина эмас. Ҳаммасини тушунтириб беришга ожизлик қиламан. Бу капалак кўз ўнгимда жон берди. Мен унинг учишини ҳам кўрдим, сўнишини ҳам.

Уста Умар Рашидга тикилиб қолди. Бу йигитчада аллақандай бир хислат борлигини биринчи кўргандаёқ пайқаганди. У беҳудага таваккал қилмайди. Умар Рашиднинг оқиллигини сезган, лекин бу қадар ақли дониш эканлигини билмаганди. Ҳозир

унинг фикрларини эшитиб, лол қолди. Чунки оламнинг яратилиш сирини ўрганмоқчи бўлган кишиларнинг қалбида эзгуликдан бошқа нарса бўлмайди.

– Энди иложини топа олсанг, менга шишадан қути ясаб бергин. Унга капалакни солиб, дўконимга осиб қўяман. Ким билади у менга яна нималар дейди? Бу митти қанотлар Оллоҳ таолонинг тенгсиз жамолидан куйлайди. Қанотидаги ранглар менга жаннатни эслатади. Жаннат неъматларига эришиш учун янада кўпроқ савоб ишлар қилгим келади. Ҳатто, ўлим ҳам менга гўзал кўринади, —деб ҳикоясига яқун ясади Рашид.

Унинг ҳикоясини тинглай-тинглай Халил Иброҳим қутичани ясаб тугатди. Бундан Рашиднинг боши кўкка етди. Капалакни қутига солиб, уйга қайтар экан, гўё қўлида ноёб нарса олиб кетаётгандай ҳис қиларди ўзини. Кўчада ёнидан ўтган-кетган унга қизиқиш билан қарарди. Йўлида уч кун олдин уста Умарнинг дўқонида дуч келган гўзал қизни учратиб қолди. У ҳам йигитга қизиқсиниб қараб қўйди.

Ойшагул товуснинг патидан тайёрлаган хатчўпни китобнинг орасига белги қилиб қўяркан, деразадан узоқларга тикилиб қолди. У исмини ҳам билмайдиган ўша ғалати йигит тўғрисида ўйларди. Йигит одобли эканлиги хатти-ҳаракатидан билиниб турибди. Қизиқ, оилали эмасмикин? Дўконда ва Али Шарифдин домланинг маърузасида учратган ўша йигитнинг сирли нигоҳи кўз олдидан кетмай қолди. Йигитнинг бу қарашларида ёмон ният сезилмасди. Бу қарашларда покиза қалбли инсоннинг орзу-умидлари мужассам эди. Дўконда учратганида ўзининг қўлида товус пати, унинг қўлида капалак бор эди. Шиша ясовчи устанинг дўконида товус пати билан капалакнинг учрашиб қолишини тасодиф деб бўладими? Қизнинг хаёлини укасининг овози бўлди.

– Яна нима дейсан? — сўради қиз. Жавоб ўрнига бола бармоқларини ўйнатиб, бир нималар дея гувранди. У гапини қўл ҳаракати орқали тушунтиришга уринарди. Ўн икки ёшли бу ногирон бола чанқаб, опасидан сув сўраётган эди. Ойшагул ўзини ёмон кўриб кетди. Нега болага баланд овозда: “Яна нима дейсан?” — дея зарда қилдим-а? Бечо-

ра бола сув ҳам сўролмайдими? Идишда сув тамом бўлган. Шунинг учун опасидан ёрдам сўраётганди. Ҳатто, чанқаган итга сув бериш — ҳажни адо этишчалик савобга эришишга сабаб бўлишини қиз яхши биларди. Бундай савобдан маҳрум бўлмаслик учун дарров ўрнидан туриб, сув олиб келиш учун ошхонага йўл олди. Сув олиб келганча хаёлидан қачонлардир эшитган ривояти ўтди. Қадимда бир имом масжидда халққа ваъз айтиб ўтирганида отасидан сув сўрабди. Ўтирганлар бунинг маъносини билмай, имомнинг ўзидан сўрашибди:

— Бу ерда сиздан ёш йигитлар ўтирганди. Шуларга сув келтиришни буюрсангиз булади-ку! Қари одамни овора қилишингиз жозизми? Бу нима қилганингиз?

Шунда ёш имом кулимсираб, жавоб қилди:

— Чанқаган кишига сув тутишнинг савоби улугъ эканлигини биласиз. Шу сабабдан, умрининг сўнгги йилларини яшаётган отам мана шу савобни олишини истадим, холос.

— Шу ривоят таъсирида Ойшагул ўзини қайта кашф этди. Ногирон укасининг илтимосларини малол олмай бажаришни дилига тугди. Бечора укаси Сарват ногиронлик арвачасида ўтириб ҳам баъзи юмушларни ўзи

бажара оларди. Сувни олиб ўзи ичар, хонадаги гулларни парваришлаб, сув қўйиб турарди. Ҳаётга, яшашга иштиёқи баланд эди. Сарватга ногиронлар аравачасини олгунларига қадар у онаси ва опасининг елкасида улғайди. Китобларни равон ўқий олар, мураккаб математик масалаларни университет талабаларидан яхши еча оларди. Оёқларига берилиши лозим бўлган куч-қудрат қўлларига берилган эди гўё. Яратганнинг ишига бандаси аралаша олмайди. Бирини кам, бирини кўп беради. Сарват ҳар бир нарсадан ҳикмат, яхшилик топа оларди, тилидан Оллоҳга ҳамду сано аримасди. Унинг бу одатига эътибор берганлар: “Ўзи шукр қиладиган ниманг бор?” дея энсалари қотарди. Бунга жавобан Сарват қўйидаги ривоятни айтиб берган эди.

Тиззасига яра чиққан бир киши бу ҳолига шукрона айтиб, Оллоҳга дуо қиларкан. Яқинлари бу қандай маъно англатишини билмай:

– Сенга Худо роҳат эмас, ташвиш бериб қўйди-ку! Нимасига шукрона айтаяпсан? — дейишибди. У эса:

– Оллоҳ бу ярани кўзимда эмас, тиззамда чиқаргани учун шукр қиляяпман, — деб жавоб берибди.

– Дарҳақиқат, Сарват энди ўн икки ёшга кирганига қарамай, оқиллигу одобда барчага ўрнак эди. Ойшагул ҳам Яратганга шукрона айтади. Ногирон бўлишига қарамасдан яшаш-га интилаётган, шукр қилувчи укаси борлиги учун эртаю кеч шукрона айтади. Фақат бугина эмас. Отаси йўқлигини билдирмай ҳам ота, ҳам она вазифасини адо этаётган онаси борлиги учун ҳам эртаю кеч Худога шукр қиларди. Саодат ая ўзидан ўтган азобларининг бирортасини фарзандларига сездирмади. Катта қизи Нургулни Германияга узатди. Эрининг иши ўша ерда бўлгани учун у оиласи билан кўчиб кетди. Соадат ая ўзини ўтга, чўққа уриб, икки қизи ва ногирон ўғлини вояга етказди. Пул йиғиб, кичкина ошхона очиб олди. Шу ошхонадан келадиган даромад орқасидан рўзгорини тебратмоқда. Куёви ҳам жуда ажойиб йигит. Ҳар йили ёзда ўзи кела олмаса ҳам, албатта, қизи билан набираларини юборади. Оиласидан орттириб пул ҳам беради. Куёвининг бу меҳрибончиликларидан Саодат аянинг боши кўкка етади. Ошхонада ишлар кўпайиб кетганда эса кичкина қизи Ойшагул ёрдамга шошилади. Она учун ҳар бир фарзандининг тақдири қадрли. Ҳеч бирининг ҳаётига

бефарқ қарамайди. Ойшагулнинг тақдиридан кўнгли тўқ. Одоб-ахлоқи жойида, маҳаллада ҳамма аёллар унга ҳавас қилади. Меҳрибон, шижоатли, мушкулликларни мардона енга олади. Қаерга борса ҳам бахтини топиб кетади. Саодат ая не-не қийинчиликларни енгиб ўтиш учун фақат сабр қилди. “Агар битта эшик ёпилса, Оллоҳ таоло ундан-да, хайрлисини очади. Шундай экан, итоатли, сабрли бўл. Шошилиш шайтоннинг иши, сабр иймондандир” деган ўгит бежиз эмас. Итоатсизликдан кўрқарди она-бола. Ойшагул мактабдан қайтиб, онасига ёрдамлашгани келаркан, онаси унга хушмуомалалик билан насиҳат қиларди:

– Сен ошхонада котлет, гамбургерларни тайёрлаётганингда балки хаёлингда: “Ўртоқларим маза қилиб ўйнаб, роҳатда юрибди, мен ёш бошим билан шунча ташвишни нега кўтаришим керак?” – дея норози бўлма. Бу дунё синовдан иборат. Оллоҳ кимгадир эрта, кимгадир кечроқ, албатта, синов юборади. Шайтон сени васвасага солганда, ақлингга кулоқ тут. Ҳар қандай қийинчиликнинг ортида яхши кунлар борлигини унутма. Меҳнат қилсанг, барака топасан. Ношукрлик қилиш учун мингта сабаб

топишинг мумкин. Лекин сен шукрона ай-тиш учун ўн мингта сабаб топа олгин.

Онаси котлет тайёрлаш учун гўшти қиймалар экан, яна қўшиб қўйди:

– Агар шунча хўранда учун гўшт майдалаётганда, котлет тайёрлаётганигда Пайғамбаримизнинг гўзал фазилатлари саналган сабрга таянмасак, ошхонамиз бугунгидай гуллаб-яшнамасди.

Ойшагул онасини диққат билар тингларди. Кунлар шу тарзда ўта бошлади. Ойшагул маъсум куз фаслини жуда яхши кўрарди. Баҳордан ҳам кузни кўпроқ яхши кўрарди. Ваҳоланки баҳорда ажиб жўшқинлик бор. Ранг-баранг табиатнинг жонланиши, унинг қайта уйғонишида ажиб сеҳр бор. Ҳаёт ҳам ана шундай сеҳрга тўла бўлса экан... Отасининг уларни ташлаб кетгани, оиланинг залворли рўзғор юки онаси зиммасига тушгани, ногирон укасини парваришлаши қизни руҳан чарчатарди. Баъзан уйда телефон жиринглаб қолса, худди ҳозир нохуш хабар эшитадигандай юраги орқага тортиб кетади. Қани энди бир яхши руҳшунос топса-ю, даволаниб, бу дарддан фориғ бўлса. Бироқ атрофидагилар дарров ғийбатга берилиб, соғ одамни ҳам тентакка чиқарадиганлар тоифасидан эди.

Ойшагул қандай руҳий азобларни бошидан ўтказаётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Агар у даволаниш учун руҳшуносга қатнай бошласа, ким биледи нималар деб гап-сўз қилишар экан?!

Онаси: “Қизим доим эътиборли бўл. Ҳамма қизлар қатори эмассан. Отанг бошқа аёлга уйланиб кетгани учун биргина ножўя ҳаракатинг сени ёмонотлиққа чиқариши ҳеч гап эмас”, — дея кўп таъкидлайди. Минг шукр, шу кунгача онасининг ишончини оқлаб келмоқда. Ёши йигирма бешга борган, эшигидан совчилар аримайди. Шунга қарамай, ҳануз ёлғиз. Сарват укасини ўйлайди, усиз гўдак нима қилади? Онаси неча мароталаб: «Мен Сарватга яхши қарайман, ҳеч нимани ўйламай турмушга чиқавер!» — деса ҳам индамайди. Чунки онасини ёлғиз қолдиришни истамайди. Онаси — тенги йўқ меҳрибон аёл. Унинг оқилалигига тан беради. Онаси ҳар бир гапига, албатта, мақол қўшиб гапиради. Баъзи дугоналари қайнонаси билан тиллашиб қолса, тушунмасди. Ахир оналар билан сан-манга бориш уят-ку... Қайнона — эрининг онаси. Онани ранжитиш оғир гуноҳлигини билишмайдими? Маҳалладаги ёши улуг аёллар орасида шундай нақл тарқалган:

– Қайноналар золим бир даврда келинлик ҳаётимизни яшадик. Тақдирни қарангки, қайноналар қолиб, энди келинлар золим бўлиб қолаяпти.

Онаси ҳар куни қизи эртага келин бўлаётгандек унга насиҳат қиларди:

– Ёдда тут қизим: эркакларнинг кўнглига йўл ошқозон орқали боради. Сен бу борада кўп имкониятга эгасан. Доим таоминг тоби-ни бил. Қайси таом кам қайновни кўтаради, буни унутма. Келин доим таом билан бирга пишади.

Ойшагул ошхонага котлетларни олиб келгунча мана шуларни хаёлидан ўтказди. Ошхона хўжайини котлетларни олар экан, дарров пулини қизнинг қўлига тутқазди. Ҳалол одам эди у. “Ходимнинг ҳақини пешана тери қотмай туриб беришга ўрган” дея кўп такрорларди. Қайси юмушни бажартирмасин, ишчиларни рози қилиб жўнатар эди. Ойшагул пулни олиб, раҳмат айтиб, ошхонадан чиқиб кетаётганда кимдир уни заиф ва хириллоқ овозда чақираётганини эшитди.

– Қизим, илтимос тўхтаг!

Қиз овоз келган томонга қараб, ёши улуғ, сочларига оқ оралаган таниш чеҳрани кўрди. Дастлаб кимлигини эслай олмай, туриб

қолди. Кейин ёдига тушди. Уни чақирган киши талабаларга маъруза ўқийдиган, одамлар “жонли кутубхона” дея лақаб қўйган Али Шарафиддин эди. Унинг ёнига борди.

– Қизим, менга ҳамроҳ бўласанми? Таом тамом бўлгунча шу ерда ўтириб тура оласанми?

Ғалати таклиф эди бу. Ойшагул домласининг ёши улуғлиги, оппоқ соч-соқолли мўйсафид билан ўтириш унинг номига доғ тушармаслигини ўйлаб, таклифни қабул қилди. Қарилиги туфайли домланинг қўллари тинмай титрар, қошиқни оғзига базўр олиб борарди. Энди олтмишдан ошган бўлса ҳам кўриниши етмишга бориб қолган қарияларни эслатарди. Ёши бир жойга бориб қолгани, хасталигига қарамасдан Али Шарафиддин ҳаётга ишонч билан қарар, қалбида шодлик жўш уриб турарди.

– Айбга буюрма, қизим. Хаёлингга бошқа нарса келмасин. Маърузаларимда қатнашиб турган талабаларимдан бўлганинг учун ҳаддим сиғиб, сени чақирдим, – деди Али Шарафиддин.

– Сиздан ҳали кўп нарса ўрганишимиз лозим, устоз. Зарур ишим ҳам йўқ...Бемалол

овқатланиб олаверинг, кутиб тураман, — дея эътироз билдирди қиз.

Устоз овқатини базўр чайнаб ютарди. Қиз бу аҳволда ярим соатсиз столдан кўзғала олмаслигини фаҳмлади.

— Одамлар қариганингда овқатланганингда иягинг осилиб қолаверади, дейишса ишонмасдим. Мана, ёшимиз бир жойга бориб, шу ҳол бошимиздан ўтиб турибди, — кулимсиради устоз. Қиз унинг сўзларини диққат билан тинглаб ўтираркан, кўзи устознинг ликопчасига тушди. Устози Ойшагуллар гайёрлаган котлетдан буюртирган эди. Қиз ҳаёжонини яшира олмай:

Устоз, биласизми сиз биз гайёрлаган котлетдан гагиб кўраяпсиз, — деди.

Э ҳа—а, демак, шу ерга тез-тез келишингизнинг сабаби бу экан-да! Котлет олиб келаркансиз-да...

Ойшагул тараддуланиб қолди. Устози бунни қаердан биледи? Қиздаги ўзгаришни Али Шарафиддин дарров пайқади. Шунинг учун изоҳ беришга шошилди:

— Сиз мени пайқамасдингиз. Лекин мен бу ерга овқатлангани келганда сизни кўп учратардим. Ҳатто, ичимда: “Шу қизнинг исми Ифбат бўлса керак” дердим. Маъсум кўри-

нишингиз ғоят ифбатли, оқила қиз эканлигингизни айтиб турибди.

– Сиздай инсондан бу гапларни эшитиш улкан мукофот. Тирикчилик учун пулни мана шу котлетлар орқасидан топамиз.

– Ҳа, меҳнат қилиб топилган пулнинг қадри бошқача...

Котлетларимиз сизга ёқдимиз?

Устози оҳиста жилмайди:

Иштаҳа билан етганимдан буни сезмадингизми, қизим?! Жуда мазали котлетлар экан. Шу ёшимда бировга ёлғон гапириб нима қилдим! Ишонаверинг, гаъми узгача экан. Қўлингиз дард курмасин, деди Али Шарафиддин.

Шу пайт ёнларидан ошхона хужайини утиб қолди. Ойшагулни доимий хурандалардан бўлган Али Шарафиддиннинг ёнида куриб, уларнинг суҳбатига қушилди.

Тайёрлаган котлетларингиздан сизга ҳам буюрайинми, Ойшагул, – таклиф қилди у.

– Йўқ, раҳмат, котлетни пиширгунча унга тўйиб қоламиз.

Қиз устозидан таомини янада мазали тайёрлаш мақсадида сўради:

– Котлетдаги кўкатлар мазасини пайқандирсиз? Нима дейсиз: котлетга яна бошқа кўкатлардан кўшсакмикин?

– Кўкатлардан ҳам муҳимроғи пиёздир. Пиёзни қиймага шунчалар едиргансизки, котлетдан пиёз таъми келиб турса ҳам, ўзи кўринмайди. Пишган пиёзнинг йирик-йирик бўлиб кўриниб туриши кўп хўрандаларнинг таъбини тирриқ қилади. Котлетга қора мурч, ялпиз, ҳатто, райҳон ҳам қўшгансиз. Тўғрими?

– Барчаси тўғри, устоз! – Ҳайратини яширмади қиз.

– Менимча, ажойиб аралашма бўлган. Бунга бирор нарса қўшсангиз, котлетнинг таъмини бузадими, деб кўрқаман.

– Баъзилар долчин қўшишни тавсия қилади.

– Йўқ, йўқ, асло бошқа зираворга зарурат йўқ. Ажойиб таъмини бузиб қўйманг.

– Ойшагул Али Шарафиддин тўғрисида кўп нарса биларди. “Янги диёр” газетасида унинг қатор мақолалари эълон қилинган. Бу одам чин маънода китоб жинниси эди. Шу туфайли оиласида кўп келишмовчиликлар бўлган. Турмушга чиққан икки қизи ва ўғли эса китобга мутлақо қизиқмайди. Чунки хотини китобни кўришга тоқати йўқ эди. Бу борада сўз очилса, хотини:

– Эрим билан орамизга китоб туфайли совуқчилик тушди. Эрим мукка тушиб китоб

ўқигани ўқиган. У фақат китобларини яхши кўрди. Балким шунинг учундир китоблардан нафратланадиган бўлиб қолдим. Лицейни тамомлаганимдан кейин бирор марта китоб ўқибаман-а!

Алининг уйи катта кутубхонага айланган. Ноёб китоблари кўп эди унинг.

– Ўқийсанми, қизим?

– Йўқ, лицейни тамомлагач, ўқишни давом эттира олмадим.

– Ўқинг, болам, ўқинг. Ҳатто, исломнинг биринчи амри “Ўқи” эди. Университетда ўқимасанг-да, китоб ўқишни қанда қилма. Хотиралар, шеърлар ёзинг...

– Ёзганим билан нима фойда, устоз? Шеърларим бирор ерда эълон қилинмаса...

– Шунинг унутмаки, инсон ноумид бўлмайди. Саҳоба аёлларга ўхшашга интилган шижоатли аёллар ҳар бир даврда яшаган. Масалан, сени олайлик. Айни ўйнаб-куладиган пайтингда турмуш ташвишини елкангга ортгансан. Бу нарсага паст назар билан қарама. Мана шу машаққатларга сабр қилиб, ҳаром йўлга юрмаяпсан. Эрта бир кун улуғ бир савобга етишсан, иншааллоҳ. Тоғдаги чўпоннинг мусулмончилигини ушлаб тура олиши шаҳарда яшовчи кишидан осонроқдир. Чун-

ки унга шайтон васваса солувчи омиллар санокли. Шаҳарда эса ҳар қадамда кўнгило-чар кафе-барлар учрайди. Иймони сушт киши дарров ўзини ана шу барга уради. Демак, одам нафсини жиловлай олиши, ўнг-чапда-ги ҳаромга қарамаслиги лозимдир. Ким би-лади, замонамизда умргузаронлик қилаётган саҳоба аёллар ҳам бордир.

– Устоз, бу жуда мушкул. Саҳоба аёллар-дай бўлиш бу замонда мушкул,— дея дарров эътироз билдирди Ойшагул.

– Қизим, камтар бўлиш яхши эмас, бал-ки гоят яхши! Ўзингга паст баҳо берма. Мен бир нарсани билмасам, гапирмайман. Бир ҳадиси шарифни айтиб берайин. Севим-ли Пайғамбаримиз алайҳиссалом марҳамат қиладиларки: “Умматим ёмғирга ўхшай-ди. Аввали хайрлими ё охири, буни билиб бўлмайди”. Мазкур ҳадис доим бизда умид уйғотади. Сиз аёлларда ҳам. Солиҳ амаллари билан саҳоба даражасига кўтарила оладиган яхши инсонлар борлигига ишонаман.

– Ойшагул бир нарсa демоқчи бўлар, лекин тортинар эди. Кишининг юзига қараб ичи-даги дардни ўқий олишга интиладиган Али устоз:

– Айт, болам, айт... Бирор нарсa сўрамоқ-чимисан? Муаммосини айта олмаган киши

ташвишининг ечимини ҳам топа олмайди, — деди зийраклик билан.

— Биласизми, шу ресторанга котлетларни ёлғиз ўзим олиб келаман. Мадрасада ҳам кўпчилик орасида якка ўзим ўтириб маъруза эшитаман. Аслида кўчага якка ўзим чиқмаслигим лозим. Мен билан бирга юрадиган дугонам бор. Лекин у доим ҳам мен билан бирор ерга бориб келиш учун ота-онасидан рухсат ололмайди...—дея ўзини анчадан бери ўйлантирган масалани устозидан сўради қиз.

— Эшит, қизим. Балки бу мавзуга тегишли эмасдир. Лекин ўзим жуда яхши кўрадиган бир ҳикмат мазмунини сенга айтиб берайин: “Дин енгилликдир. Шундай экан, ўрта йўлни танланг. Меъёрни билинг”. Сен ҳам меъёрга амал қил. Аслида ўрта йўлни танлаб бўлган кўринасан.

Кўшни столдаги ёшлар сочлари оқарган қария ва ёш қизнинг суҳбатига қизиқсиниб кулоқ солишарди. Али устоз овозини пасайтирмай, уларга ҳам ўгит бўлсин, дея суҳбатини давом эттирди.

— Мен имом эмасман фатво берадиган. Лекин сени ўйлантирган нарса хусусида ўз фикримни билдиришим мумкин.

Ойшагул гап бошлади: Ёшлигимда онам туғилган туманга кўп борардим. У ер тоғли жой бўлгани учун табиат инсонга янада яқин эди. Менга табиат гўё Оллоҳ таолонинг санъатини, қудратини эслатарди. Куёш ботишини томоша қилардим. Куёш ботгач, майин шамол эсар ва бу одамга жуда ёқарди. Оллоҳнинг бобом ва бувим айтиб берган сифатлари билан табиат кўйнидаги сеҳр орасида боғланиш топа олмас эдим. Ўзимча ўйлардим: “Оллоҳ таоло тенгсиз гўзал, ғоят марҳаматли, карами кенг, меҳрибон ва кечирувчидир”. Майса устига чўзилиб шу хусусда ўйлаб ётганимда мовий осмонни оппоқ булутлар қопларди. Оллоҳ кечиргувчи Зот экан, нега бобом ундан жуда кўрқади? Нега Оллоҳ кечирувчи эканлигини ўйламайди? Тез-тез “Кўшиқ эшитманг, қулоғингизга у дунёда кўрғошин қуйилади. Расм чизманг, охиратда оловда ёнасиз” дер эди. Ўзи расмга тушмас эди. Қаҳ-қаҳ уриб кулганда гуноҳдан ботишига ишонарди. Болаларни кўп эркалаб суймас эди. “Бола—Оллоҳнинг омонати, Пайғамбаримиздан (с.а.в.) ортиқроқ суйсам, ширк келтирган бўламан”, — дерди.

— Тўғриси, бобонгнинг бу ишларини танқид қилмоқчи эмасман. Кўриниб турибди, унинг

ишончида Оллоҳга бўлган севгисидан кўра ундан кўрқуви устунлик қилган. Оллоҳнинг кечирувчи сифати эмас, қаҳрли, гуноҳларга яраша жазоловчи сифати бобонгнинг миясида кўпроқ ўрнашиб қолган. Мўминлигига бирор нарса дея олмайман. Менимча, кўрқувини бир оз ошириб юборган, – изоҳ берди Али устоз. Устоз сўзлар экан, қизнинг кўйлагига эътибор берди. Хаёлидан: “Кўчага кийиб чиқиш учун бошқа кўйлаги бўлмаса керак” дея ўтказди.

– Отангиз нима иш қилади, қизим?

Қиз кўзларини узоқларга тикиб:

– Ўқитувчи эди. Лекин бирга яшамаймиз. Онам билан ажрашган, – деди оҳиста.

Устоз қизнинг ярасини янгилаганини фаҳмлади.

– Тирикчилик шу котлетлар орқасидан ўта-яптимми?

– Ҳа, ногирон укам бор. Оллоҳ давлатимизни гуллаб яшнатсин. Уч-тўрт сўм давлатдан ногиронлик нафақаси ҳам оламмиз.

– Дарди нимада укангизнинг?

– Юра олмайди, кар ва тили дудуқ...

– Ақлий томондан-чи?

– Ўқишни биледи, саводи бор.

– Ё Парвардигор, қандай ажойиб! Ўқиш, саводли бўлиш – ҳаётнинг ярми дегани. Худо

ўқишни билганларни яхши кўради. Исломнинг биринчи амри “Ўқи”. Демак, укангиз аравачада юради?

Ҳа, устоз. Онамнинг нафақага чиқишига тўрт йил бор. Унгача қанча югур-югури бор, сиз билмайсиз.

Али устоз бир муддат мина толди. Бир нималарни ҳисоблаб, хаёлида режалаштираётганди. Қизга бир нима демоқчи эди. Лекин фикридан қайтди. Дастурхонга дуо ўқиб, таом учун пулини гўдади. Қизга ҳамсухбат бўлгани учун раҳмат айтиб, хайрлашаётганида Ойшагул сўради

– Устоз, боя бир нима демоқчимидингиз?

– Ҳа, шундай. Аммо фикримдан қайтгандим. Шунда ҳам ҳаддим сиғмай сўраяпман. Уканг ногирон бўлгани учун ҳеч хафа бўлганмисан?

– Укамга ичим ачийди. Уни парваришлаганга ҳам кўп вақтим кетади.

– Бу дунёга синалиш учун келганмиз, оппоқ қизим. Яна бир нарсани айтмоқчи эдим. Лекин сизнинг вақтингизни оламанми, деб қўрқаман.

– Сиздан кўп нарса ўргандим, устоз. Бундай ўғитларни йигирма тўрт соат оёқда туриб ўрганишга ҳам тайёрман. Марҳамат гапиравринг, — деди қиз дарров.

– Сенга бир муборак ҳадисни эслатмоқчи эдим, халос. “Мени ожизлар орасида изланг. Сиз фақат ожизлар туфайли ёрдамга ноил бўласиз ва ризқдан тириласиз”.

Шу билан иккиси хайрлашиб, ўз иўлига равона бўлишди. Али устоз Рашиднинг дўконига қайтиб кирди.

– Яна соябонимни унутибман, болам, – деди кулимсираб. Рашид унга салом бераркан:

– Яхшиям унутибсиз. Бугун сизга яна бир марта салом бериш бахтига муяссар бўлдим, – деди. Севингани юзидан маълум эди. Қари кишининг ичкарига кириб, столчага ўтириши бир оз вақтни олди. Рашид қадрли устози ҳар куни бир қарич чўкаётганини пайқади. Зиналардан оёғини кўтариб ололмайдди, судралиб чиқиб олади. Али устоз эса тўридан кўра гўри яқин эканлигини қайсарлик билан тан олгиси келмасди. Шу ҳолида ҳам уйда ўтирмасдан, ўқиган минглаб китобларидаги теран маъноли ҳикматларни инсонларга етказишга шошиларди. Лекин дуч келган дўконга кирмас эди. Синалган, сўзнинг қадрига етувчи инсонларнинг дўконига борарди. Унинг ҳикоя-ю ривоятларини тинглаб ўтирганлар:

– Киши шунчалар ҳам илмли бўладими? — дея ҳайрон бўлишарди. Ёши бир ерга бориб қолган бўлса ҳам Али устознинг хотираси кучли эди. Уқиган нарсасини ёдда сақлаб қоларди. Бирор мавзуда суҳбатлашмоқчи бўлса узоқ тайёргарлик кўриши шарт эмас эди. Тингловчисини асло зериктирмас эди. Керакли сўзларни аниқ танлай олар, суҳбатни узоқ чўзиб, бировнинг вақтини ўғирламас эди. Ана шундай ажойиб одам эди Али Шарафиддин. У стулга ўтиргач, Рашид чой билан ширинлик келтирди. Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлишгач, у Рашиддан сўради:

– Эй Рашиджон болам, тўй ошини қачон еймиз энди? Рашид қизаринди:

– Тақдиримдагини излаяпман. Баъзан мени ўзи излаб келишини кутаман. Рост айтасиз, ортга қарасангиз, вақт сувдай оқиб кетаётганини кўрасиз. Лекин ўзим ўзимга сўз берганман. Умримнинг охирида учратсам ҳам фақат иболи, оқила қизга уйланаман.

– Шундай дегин. Демак, рўзфорингни бут қиладиган саришта қиз қидираяпсан?!

– Ҳа, шундай. Унга уйланиб афсусланмайин, бирим икки бўлсин.

– Ҳа, бу жуда муҳим жиҳати, ўзимдан қиёс. Мен ўқиш-ёзишни жуда яхши кўраман. Агар

куним бир сатр китоб ўқимасдан ўтса, ўзимни ночор ҳис қиламан. Инсоннинг жуфти ҳалоли ўзига ҳамфикр бўлмаса, қийин экан. Мана, хотиним билан бир умр бир ёстиққа бош қўйдик. Бахтли дамларимиз кўп бўлди. Лекин бирор марта у билан битта романни муҳокама қила олмадик. Бирга бирор кино кўрсак, фикрларимиз бошқа-бошқа эди. У тоғдан келса, мен боғдан келардим. Унга айтган ҳазилларим ҳеч қачон муносиб жавобини топмаган. Доим бунинг азобини тортганман. Уни урмадим, сўкмадим, ранжитмадим. Лекин бир умр ўзимни ёлғиз ҳис қилиб яшадим. Сен қандай яшашни билар экансан, табриклайман сени. Инсон ўзига муносиб ҳамроҳ топа олиши лозим.

– Лекин устоз, умр йўлдоши танлашда кўп иккиланаяпман. Ахир кўйлак эмас, рафиқа олаяпман. Олган кўйлагингиз ёқмаса, ташлаб юборишингиз мумкин. Лекин бир қизни хонадонингизга олиб келгандан сўнг бор масъулият сизга тушади. Шунинг учун оқила, эрининг ҳурматини жойига қўйиб, у билан ҳамфикр бўладиган қиз излаяпман. Бу – жуда қийин. Лекин қайсарлик билан излашдан тўхтамаяпман.

– Излашдан тўхтама, болам. Бахтингни албатта топасан. Сотиб олган китобимни севинч билан уйга олиб бора олмадим. Эшикдан киришим билан: “Яна китоб олдингизми?” саволи пешонамга тақ этиб уриларди. Олган китобларимнинг кўпини танишларимникида қолдириб кетдим. Китоб ўқиш менга қанчалар завқ беришини хотиним ҳеч қачон тушунмаган. Кутубхоналарга борганда ҳамфикр дўст изладим. Афсуски уни ҳам топа олмадим.

– Устоз, ёшлар нега китоб ўқишга қизиқмай қўйди?

– Мен ҳам шунга ҳайрон қоламан. Жуда ажойиб асарларимиз бор. Достон-у эртакларимизга ҳамманинг ҳаваси келади. Мана шундай нодир асарларимизни ўрганиш ўрнига, вақтимизни беҳуда нарсаларга сарфлаймиз. Баъзи ёшларимизнинг ҳатто, Африкадаги ёшларчалик ҳам саводи йўқ. Шундай бўлгани учун ҳам бизда ривожланиш йўқ. Бунга ким сабабчи? Ўзининг хат-саводи ҳаминқадар бўлгач, фарзандларини қандай тарбия қилсин?! Ана гап қаерда.

– Мусулмон киши тарихни яхши билиши, билмаганларини суриштириши лозим, деб ўйлайман, – ўз фикрини билдирди Рашид.

– Рост айтасан, ўзини сўроқ қилиб турув-

чи киши мусулмон саналади. “Бугун қандай яхшилик қилдим? Оллоҳ таоло мендан розими?» — деган саволларни ўзига бермаса, беҳудага яшаган саналади. Бирор дуони ўн марта, қайсидир оятни минг марта қайтариб юрганимиз билан мусулмон бўлиб қолмаймиз-да! — Қария сўзлагани сари қалби шодликка тўлар, юрагида қайнаётган ўгитларини ким биландир баҳам кўраётганидан хушнуд эди. Орада қўлидаги соатга қараб, фикри бўлинди.

– Ўҳ-ҳў, вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолибдику!

– Чиройли суҳбат бўлаётганди, устоз, — Рашид унинг кетишини истамас эди.

– У ҳолда, яна бир оз ўтирайин... Кетишим керак. Лекин қаерга боришни ўзим ҳам билмайман. Хотиним деразадан қараб, мени кутиб ўтирибди, десам ёлғон гапирган бўлман. Эҳ, хотиним ўзи ғалати. Бошқа хотинлар эрини кўчадаги аёллардан қизганса, у аёллар қолиб, мени китоблардан қизғанади. Эшикдан кириб борганимда менинг қўлимда китоб бўлмаса, унга шу кифоя. Ўшанда ҳам “Бугун қуёш қайси томондан чиқди?” — дея пичинг қилади. Шунинг учун уйга эрта боргим келмайди.

– Янга ҳақида нима ҳам дея олардим, — деди елкаларини қисиб Рашид.

– Тўғри, болам. Гапларимга эътибор берма. Шунчаки юрагимдаги ҳасратимни айтаман— да..

Шу пайт қариянинг кўзи қутидаги капалакка тушиб қолди.

– Бу нима? Капалак, тўғрироғи, капалакнинг жасадими?

– Ҳа.

– Бу ерда нима қилаяпти, дея сўрамайман. Чунки қутига бу капалак ўз чиройи билан ўзгача ҳусн бағишлаб турибди. Бунини яхши ўйлабсан. Сен учун бу капалак бирор нарсани ёдга солиб турадими?

– Ҳам эслатиб, ҳам бир вазифани адо этиб туради, — деди Рашид.

Али устоз капалак унинг учун хотира эканини тушунди. Лекин жонсиз капалак қандай вазифа адо этишини тушунмади. Кўзойнагини тақиб, диққат билан капалакка қаради.

– Жуда ноёб капалак эмас. Яна қанақа вазифаси бор бунинг? — ҳайрон бўлиб сўради устоз. Рашид пиёлага чой қуйиб узатар экан, шундай жавоб берди:

– Ҳақ гапни айтдингиз, устоз. Бу ноёб капалак туридан эмас. Саволингизга қуйидаги байт билан жавоб берсам:

Ночорлар элини хор кўрма зокир,
Қиймати баланд вайроналар ҳам бор.

Капалакнинг энг оддий тури бўлишига қарамай, мен унда ҳаёт фалсафасини топдим.

– Жони чиққан капалакда ҳаёт моҳиятини топиш... Мени ҳайрон қолдирдинг.

– Мени уялтирманг. Сиздай бўлишим учун ҳали неча қовун пишиғи бор. Биз энди қадам ташлашни ўрганаётган гўдакмиз-ку.

– Камтарлик ҳам ҳаддан ошса, яхши эмас. Ортиқча камтарликни йиғиштир. Менга шу капалакнинг тарихини гапириб бер.

– Мана шу дўконда ишлаб ўтиргандим. Осмон гумбурлаб, момақалдироқ бошланди. Дераза ёнига келдим. Болалинимдан момақалдироқнинг гумбирлашидан кўрқаман. Қоп-қора булутларнинг ёпирилиб келиши, чақмоқ чақишини кузатиб тургандим. Раббимдан дуо қилиб, жала селга айланмаслигини сўрардим. Тоғли ҳудудларда бу ҳавода сел келиши эҳтимоли кўп. Селда қолишдан ортиқроқ фалокат бор эканми бу дунёда? Бошқа томондан ёмғир табиат учун оби раҳмат – Худонинг марҳамати – неъмат саналади. Ёмғир ари, қуш, илон, чумоли, шер – жамики жонзотлар учун Оллоҳ томо-

нидан юборилган ризқдир. Кўчани чангитиб ўйнаётган болалар учун “Ёмғирда ивиб кетманг, уйга кириг” деган огоҳлантириш эди бу чақмоқ.

Қария Рашиднинг чиройли ўхшатишларини ёқимли наводай завқ билан тинглар эди. Рашид ҳикоя қилишда давом этди.

– Айни огоҳлантириш бу капалакка ҳам тегишли эди. Шу лаҳзада бор овозим билан: “Етар, айвонда кўп турма, қанотингдан айриласан”, – демоқчи эдим. Лекин айта олмадим. Айтганим билан кошки сўзимга тушунса бу капалак. Унинг жала остида қолишини истамасдим. Лекин капалак ўзини панага олай демасди. Билмайман, ўшанда ниманидир ўйлаганми? Чақмоқ чаққанда ҳам қанот қоқиб юрганди.

– Яхшиямки уйга кетиб қолмабман, – ҳаяжонини яшира олмади қария, – капалак ҳикояси менга янги оламни очди. Рухсат берсанг, бу хусуда бир-икки оғиз сўз айтсам.

– Бу нима деганингиз, устоз? “Менинг фикрларимга муносабат билдирганингиз нимаси?” – дейдиган пасткашлардан эмасман. Аксинча бошқаларнинг фикрини ҳурмат қиламан. Марҳамат, сўзингизни жон қулоғим билан тинглайман, – эътироз билдирди Рашид.

– Биласанми, капалаклар менинг ҳам эътиборимни тортган. Ундаги чиройда Раббимнинг жилвасини кўриш мумкин. Лекин у ҳам Оллоҳ таоло гўзаллигининг бир қисми, холос. Эшитганмисан, куни битишига яқин капалаклар Сакария кўпригига келишарэкан ва бир вақтнинг ўзида миллионлаб капалаклар ўзини ўлдираётган экан. Ёки биз одамлар шундай ўйлаймиз. Балки ҳайвонот оламида ўзини ўлдириш итоатсизлик ҳисобланмас ва гуноҳга кирмас. “Ла яъламул ғайба иллаллоҳ” (Ғойибни Оллоҳдан бошқаси билмас) –дея ўзимизча хулоса чиқарамиз. Капалакларнинг умри қисқа – уч-тўрт кун. Олимларнинг айтишича, энг узоқ яшаган капалаклар ўн бир ойгача ҳаёт кечиради.

Шу пайт дўконга ёш харидор йигитча кириб келди:

– Компьютеримдаги файлларни биров ўқишини истамайман. Шундай кодлаб кўювчи дастур борми сизда?

Рашид пештахталарга қаради-да бир оз ўйланиб туриб:

– Вирус дастурлари тугабди. Сиз айтган нарса янги дастурларда бор. Афсуски улар ҳам сизга юз фоиз ёрдам бера олмайди. Сабаби, ёмон ниятлилар бу борада ҳам яхши ниятли

кишилардан бир неча одим илгари кетмоқда. Шундай бўлмаганида эди, компьютерда “вирус” деган нарса бўлмас эди, — деди.

– Демак, юз фоиз кафолат бера олмайсиз бу дастурга?

– Шундай.

– Ростгўйлигингиз учун раҳмат. Дастур келиб қолса, хабарлашармиз. Яна келаман, — деб йигитча кетди.

Али устознинг Рашидга ҳурмати яна ошди. Унинг муомаласи, ростгўйлиги, савдода ҳалолликка жуда эътибор бериши хуш ёқди.

– Энди ҳикоянгизни давом эттиринг, устоз. Нима эътиборингизни тортган эди?

– Бизнинг замонда электр токи йўқ эди. Чироқ, шам ёқиб, кун кўрардик. Дарсларимизни чироқ ёруғида тайёрлардик. Гапни ичакдай чўзиб юборганимга ранжима. Бу болаликдаги ширин хотиралар-да. Уни ёдга олмай бўлмайди. Китоб ўқиш учун шамга жуда яқин ўтирсак, кўз-қошларимиз куйиб қолай дерди. Ёз оқшомлари капалаклар шамга ўйноқлаб келиб қолар ва куйиб ўлишарди. Жуда хафа бўлардимки, асти сўрама. Бир томондан, жаҳлим чиқарди. Капалакларни аҳмоқ, дердим.

Албатта, ўзини нобуд қилиш аҳмоқлик-

да. Капалаклар ёруғликка парвона бўлишида қандайдир завқ бормикан?

Ким билади?

Кейин ўйлаб қоламан: ажабо, оташ ёнишидан завқ олиш мумкинми? Сенинг капалагинг ҳам чақмоқ нури остида жон беришни истадими? Ёки оби раҳмат ёмғирида биз билмаган қандайдир гўзаллик борми? Буни билишнинг ягона йўли — капалакдан сўраш. Уни тирилтиришнинг эса имкони йўқ. У фақат Оллоҳнинг амри билан қайта жонланиши мумкин.

– Мен ўйлаган кўп нарсага ойдинлик киритдингиз, устоз. Мен ҳам иккиланиб, шулар ҳақида ўйлаган эдим. Раҳмат ёмғири остида жон берган капалак бу. Бу ўлимда биз билмаган раҳмат ва марҳамат бор. Неча кунлаб шу нарсани ўйлаб юрдим. Биз ўзимизга берилган санокли умримизни чиройли яшашга ҳаракат қиламиз. Шу билан бирга, доимо Оллоҳ таолони излаймиз. У Зот бор ва ягона яратувчидир. Мен дин уламоси эмасман. Бу борада илмим ҳаминқадар. Бир қудсий ҳадисда: “Мени бандам қандай ёдга олса, Мен ҳам уни шундай ёдга оламан. Шунга қараб, муомала қиламан” — дея марҳамат қилади Оллоҳ таоло.

Али устозни лол қолдирган нарса — у ўйлаган нарсаларни Рашид ҳам ўйлаётган эди. «Фикрларимиз шунчалик ҳам ўхшаш бўладими?» — дея хаёлидан ўтказди. Рашид сўзлар экан, орада тараддуланиб тўхтаб қолди. Али Шарафиддин Рашиднинг бу ҳолини кўриб:

– Капалак сенга яна нималарни эслатади? Тортинмай айтавер! — деди. Рашид ҳайрон қолди: “Бу одам ичимдагини қандай билди?”.

– Сизнингча нима экан айтишга тортинаётган нарсам?

– Менда каромат қилиш қобилияти йўқ, болам. Фақатгина сенинг айтганларингдан фаҳмлаганим шуки, сен капалакка ҳар қараганингда марҳаматли бўлиш лозимлигини ўйлайсан. Уни қутқара олмаганинг учун ўзингни айбдор санайсан. Бир оз кеч қолганингни кечира олмайсан. Бу капалакда сенинг ҳаётингнинг сири бор.

– Нима ҳам дея олардим, устоз. Ҳақ гапни айтдингиз.

– Яна бир гап, Рашиджон. Капалакларда оловга бўлган ишқдан ташқари яна бир ишқ бор. Сенинг капалагинг ёмғирга қанотини ёзиб, ўлимни қарши олган. Капалакларнинг баъзи тури жуфти билан бирга бўлганидан сўнг ўларкан. Бир оздан сўнг ўлишини били-

шига қарамасдан жуфтига меҳрини бериш...
Ҳаёт шундай, болам. Сенга ҳам сени жонидан севувчи, икки дунёда ҳам сени қадрловчи рафиқа насиб этсин.

– Иншааллоҳ, айтганингиз келсин. Лекин қаерда ўша қиз?

Али устоз бир оз жим қолди. Хаёлидан бир неча кун аввал ресторон хўжайинига котлет олиб келган қиз ўтди. Қиз бировга унаштирилганми – йўқми сўрамаган эди. Ўша қизни айтиб Рашидни умидвор қилиб қўйишдан кўрқди. Шунинг учун айтмади. Рашиднинг савдосига барака тилаб хайрлашди. Дўконлардан узоқлашар экан, майин ёмғир ёға бошлади.

* * *

Бахтли бўлишнинг энг осон йўли бировни бахтли қилиш эканлигини фаҳмлаш учун бу манзаранинг гувоҳи бўлиш лозим. Куз оқшомларидан бири. Куз бўлишига қарамай, ҳаво мулойим. Барглари сарғая бошлаган дарахтзор ўртасида Сарват, Ойшагул ва онаси ўтирар эди. Сарват тилсиз бўлса ҳам, қалбидаги қувончни бармоқлари ҳаракати билан англатишга уринар эди:

– Ажойиб бу оқшом учун Оллоҳга минг шукр.

Ногиронлик аравачасини кўрсатиб; “менинг оёқларим бор”, — дерди. У аравани қўли билан бошқариб, истаган ерига бора оларди. Мана шунинг учун ҳам у ўзини бахтли сезарди. Ойшагул мазали пишириқлар пишириб, оиласини ҳафтада бир марта мана шу боққа олиб келарди. Табиат қўйнида одам ҳар на дардидан фориг бўлади-да. Саодат опанинг юзи дарров қизарди. Совуққа чидамсиз эди у. Шу пайт қизи билан бафуржа гаплашиб олмоқчи бўлди. Кеча уйга совчилар келган эди.

– Жон қизим, ёнимда бўлсанг, бахтлиман. Сарватга меҳрингни бериб парвариш қиласан. Сен кетсанг, унга қийин бўлишини биламан. Лекин сенинг оилали бўлиб, ҳаётда ўз ўрнингни топишинг, мени икки карра бахтли қилади. Бизнинг замонда сенинг ёшингдаги қизларга “қари қиз деб” қарашар эди, — деди она ётиғи билан.

– Қари қиз бўлиб уйда ўтириш, бахтсиз оила қуришдан яхшироқ, деб ўйлайман, она-жон. Кечаги совчилар нега менга ёқмаганини айтайми?

– Нимаси ёқмади?

– Қараши.

– Бу нима деганинг?

– Сарватга бир нотавонга қарагандай назар ташлаган бундай бемехр оилага келин бўла олмайман, она. Одамга бемехр оилада бахтли бўла олмайман.

– Бу гапни қаердан олдинг? Мен ҳеч нарса-ни пайқамадим-ку?

– Мен эътибор бердим, она. Очиғини айтаяпман. Оллоҳ кеч берса ҳам тинч оила берсин. Насиб қилса, турмуш ўртоғим мени тушуниб, сиз бирор ерга кетганингизда, Сарватга қараб туришимга рухсат беради. Мени ногирон укам учун озорламай, аксинча руҳан қўллаб-қувватлайди. Бундай инсонни, керак бўлса, умримнинг охиригача кутаман. Менинг тақдирим шу экан...

– Начора. Тақдирим шу экан, деб ношукрлик қилмаяпсанми, қизим?

– Ундай бўлса, тавба қиламан. Ўйламай гапиргандирман. Қуръони каримни қайта-қайта ўқиб, ҳаёт фалсафам ўзгарди. Белгилаб кетган ўғитларимдан бири шуки, “Сиз хайрли дея ўйлаган ишда ёмонлик, ёмон дея ўйлаган ишда хайр бордир”. Яна бир оятни кўп такрорлайман: “Сиз давлатингиз, фарзандларингиз ва соғлигингиз билан имтиҳон қилинасиз”. Бу — бизнинг имтиҳонимиз, она. Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи. Мана

шу соғ-саломат оила даврасида шодон ўтиришимиз ҳам бахт эмасми?

Саодат аянинг кўзи ёшга тўлди. Кенжаси ногирон эканлиги учун юраги дардга тўлиб кетарди. Лекин ҳозир уни йиғлатган нарса— қизининг шундай оқила, меҳрибон бўлиб улғайганлиги эди. Худога шукр, унинг ҳам суянчиғи бор. Қизи нима синов бўлса, барчасини енгиб, онасининг кўнглини олади. Илойим, бахтли бўлсин! Шу пайт Сарват музқаймоқ еб, ёнидан ўтаётган болага қараб қолди. Бу ҳол Ойшагулнинг назаридан четда қолмади. Ҳамёнидаги пулни санаб кўрди. Ҳартугул музқаймоққа етар экан. Бориб, укасига музқаймоқ олиб келиб берди.

– Энди ҳаво салқин бўлиб қолди. Музқаймоқ томоғингни оғритади. Бу охирги музқаймоқ ейишинг, хўпми, укажон, — дея тушунтирди Ойшагул.

Саодат аянинг яна кўнгли бузилди. Ойшагул ҳам музқаймоқни жуда яхши кўради. Лекин пулни ортиқча сарфламай, дея ўзига олмаган. Кечки изғирин бошланди. Бола шамоллаб қолмасин, дея уйга қайтдилар. Йўлда Ойшагул онаси билан суҳбатини давом эттирди.

– Онажон, сизга бир ҳикоя айтиб берайми? Яқинда интернетда ўқигандим. Тоғли ўлка-

лардан бирида бир киши уйга ҳар куни икки кўза сув олиб келаркан.

Кўзаларнинг бири бутун, бири тешик экан. Икки кўза сув уйга келгунича 1,5 кўза сув бўлиб қоларкан. Бир куни тешик кўза эгасига шундай деди:

– Хўжайин, сизнинг олдингизда хижолат-даман. Фақат ярим кўза сув олиб келишингизга ярайман. Тўлдириб сув олсангиз ҳам ярми йўлда оқиб кетади. Беҳудага меҳнат сарфляяпсиз. Мени ерга уриб синдирингу, бу ташвишдан қутулинг.

Оқил киши кулимсираб жавоб қилди:

– Бунинг иложи йўқ-да! Сен ҳеч чап томонга эътибор бердингми? Йўлнинг сен келадиган томонига.

– Йўқ.

– Сендан оқиб тушган сувлар йўл четидаги гул уруғини кўкартирди. Ҳозир йўл ёқаси гулзорга айланган. Хонамдаги чиннигул лолалар сенинг хизматинг туфайли униб чиққан. Улар менга завқ улашади. Сен туфайли мана шундай гулларнинг хушбўй ифоридан баҳра оламан...

Ҳикоя шу ерга келганидан Саодат ая ўзини боса олмай яна йиғлай бошлади.

– Менга бугун бир нарса бўлди, қизим..

– Йиғлайверинг она, йиғлайверинг. Оллоҳ севган бандасидан энг аввало кўз ёшларни олар экан. Йиғлаганингиз сайин қалбингиз юмшайди. Бу кулгудан ҳам ёқимли туюлади.

– Бизнинг тешик кўзамиз — Сарват. Шундайми қизим?

– Ҳа, балким бу дунёда лолаларга эришмасмиз. Лекин бизга у дунёда жаннат гулларини ато этади ўша тешик кўза...

* * *

Рашид неча кунлаб Али Шарафиддиннинг: “Сенга Худойим сени жондан севувчи вафодор ёр ато этсин!” — дея қилган ширин дуоси оғушида юрди. Мазкур дуо ҳар сафар эсига тушганда ўша мадрасада учратган маъсума қиз кўз олдидан ўтади. Фақат ўша қиз Рашид билан бахтли ҳаёт кечириши мумкин. Унинг юзидаги покизалик бошқа ҳеч кимда учрамайди. Лекин уни қаердан изласин? Онасини совчиликка жўнатай деса, у қизнинг манзилини ҳам, ҳатто, исмини ҳам билмайди. У қизни топиш учун хаёлан минг бир кўчага кириб чиқди. Қизни топган тақдирда ҳам унга оила қуриш таклифини айтса, у бундан қандай тушунади? Бир йўлини топиш керак... Топиш керак...

Уёр йўлдош излаётганда неча-неча ном-
зодни, синовдан ўтказди. Иболи ёр би-
ровлар билан, кўчада, етаклашиб юрмайди.
Ўзи бировнинг қизига ёмон назар билан
қарамагани учун йигитлар билан гаплаш-
маган, ҳаёли рафиқа олишга ҳақли санарди
ўзини. Дин-иймонини йўқотмаган, интернет
танишувларидан нари юрувчи, дунёқараши
кенг, гап — сўзи маъноли рафиқаси бўлиши-
ни истарди... Мана шуларни ҳаёлидан ўтка-
зар экан, пештахта томон қараб, кўзларига
ишонмади. Бу тушми ё? Кўзларини очиб-
юмди. Саробмасмикан? Ҳа, бу — ўша қиз
эди. Ҳаяжонланганидан юраги тез ура бош-
лади. Қиз ҳам йигитни таниган эди. Бу дўкон
Рашидга қарашли эканини билмаган ҳолда
кирган эди. Бу қандай ажойиб тасодиф!.. Ра-
шид ҳаяжонини яширишга уринди.

— Нафис соат керак эди менга, — деди қиз, —
бошқа дўкондан олган соатим укамга ёқмади.
Қайтариб берсам, сотувчи олмади. Укамни
севинтириш учун ҳеч кимникига ўхшамаган
ажойиб соат ахтариб юрибман.

Рашид ҳаяжонини енгиб, ўзини босиб,
қизга дўконидаги соатларни кўрсата бошла-
ди:

— Мана бу пушти рангли соатга нима дей-
сиз?

– Укам ўғил бола-да! Исми Сарват. У олмос рангни яхши кўради.

– Мен ҳам шу рангни ёқтираман. Ҳозир қараб кўраман. Шу рангда бир соат бор эди. Ҳа, мана! Менимча, бу укангизга ёқса керак. Ўзини бирга олиб келганингизда ўзи танлаб оларди.

– Ҳа, майли, ёқса керак. Ўзи кела олмайди-да.

– Укангиз жуда кичкинами?—тушунмай сўради Рашид.

– Шунчалар кичкинаки...

– Тушунмадим?

Қиз сўзлашдан тўхтаб қолди.

– Майли, сизни қийнамай! Айтгингиз келмаса, мажбур қилмайман.

– Йўқ, йўқ, ортиқча сир йўқ. Укам ногиронлиги учун кела олмайди, демоқчи эдим.

Рашид қизнинг ярасини янгилаб қўймадиммикин, деган андишага бориб, сўрагани учун пушаймон еди. Қиз соатнинг у ёқ-буёғини кўриб:

– Менга ёқди! Укам ҳам севинса керак. Нархи қанча? Шу соатни оламан,— деди.

– Соат укангизга мендан ҳадя бўлсин! Пули керак эмас.

– Бу қанақаси?.. Қўйинг, пулини тўлаб кетайин.

– Илтимос, соатни олаверинг. Шунда мени хурсанд қиласиз. Бўлди, ортиқча баҳслашманг.

Ойшагул самимий жилмайиб:

– Бугун Сарватнинг туғилган куни, 11 ноябрь. Соат унга ажойиб совға бўлади. Сизга катта раҳмат, — деди.

– «11 ноябрь» дейилганини эшитиб, Рашид довдираб қолди. Деворга осилган тақвимга қаради. Бугун ҳақиқатан 11 ноябрь — пайшанба эди. Телба Аҳмаднинг уч ой олдин айтган “башорати” амалга ошган эди. Аҳмад айтган кун ва санада қиз қаршисида турган эди. Воқеага қандай ном беришини билмай, боши гаранг бўлиб қолди. Оллоҳ таоло ўзининг баъзи сир — асрорларни Аҳмад телбага ўхшаган кишилар тилидан айттирармикан?

Ойшагул эса сотувчининг ранги нега бунчалар оқариб, ўзгариб қолганини тушунмади.

– Раҳмат! Укам соатни таққанида сизни эслаб юради, — деб хайрлашди қиз.

– Мени кўрган бўлса эканки, эслаб юрса. Агар имкон бўлса, укангизни дўконимизга олиб келинг. Кутаман-а!

– Нега бўлмас экан... Кўчага чиққанида олиб келаман.

Қиз кетди. Рашид студда анча вақт ўтириб қолди. Беш дақиқа ичида ҳаёти остун-устун бўлиб кетди. Наҳот Али Шарафиддин устозининг дуоси ижобат бўлган бўлса? Ўзи орзу қилган иболи қизни учратгани ростми? Рашид бахтдан масрур ҳолда анча пайт хаёл суриб қолди.

* * *

Али Шарафиддин тўрт томонига жавонлар жойлаштирилиб, китоблар зич қилиб терилган кутубхонасида ўйга толиб ўтирар эди. Столи устида бир оз аввал хотини зарда билан кўйиб кетган қаҳваси совиб қолганди. Сал туриб, бирор баҳона билан хотини яна қайтиб киради. Ичилмаган қаҳвани кўриб, кесатиқ гаплари билан эрининг кайфиятини бузиши аниқ. Кесатиқ гапини ҳамишаги таъна—маломат сўзлар билан бошлаши тайин:

— Агар сиздан кейин ўлсам, сизни мозорга олиб боришганининг эртаси куни мана шу китобларингизни ёқиб юбораман, — дейди аламдан гезариб.

Али бу гапларни эшитавериб тўйиб кетган эди. Шунда ҳам аёлига яхши муомалада бўлишга уринарди. Бугун эса умуман бошқа нарса хусусда ўйларди. Қани энди бундан ўн-йигирма йил аввал биров унга:

– Эй Али, қўй, бу китобларни йиғиб нима қиласан? Йиллар ўтиб, мана шу китобларни ярим баҳосига ҳам сота олмайсан,—деганида эди, ҳаёти бу қадар издан чиқмас эдими? Ойнага қараб, ўзига назар солди. Кўзлари остидаги шишлар, титроқ қўллар, маъносиз қарашлар, нурсиз кўзлар, китобга қизиқиши қолмагани — буларнинг барчаси умри поёнига етаётганидан дарак эмасми? Шу пайтгача ҳаётининг асосий қисмини китоб ўқиш билан ўтказганини ўйлаб, ўзини бахтли ҳис этарди. Муттасил мутолаа қилгани туфайли Оллоҳ таоло беҳад гўзал ва тенгсиз қудрат соҳиби эканлигини англай олди. У Зотнинг қудратини барча билади. Лекин китоб ўқиган инсон буни бошқалардан кўра теранроқ англайди. Мана, энди ўйлаб-ўйлаб, бир ўқ билан икки эмас, уч қўшни урадиган йўлни топди. Биринчидан, хотини айтгандай, китоблари оловда ёқилмайди. Китобларнинг барчасини китобни қадрловчиларга ҳадя қилади.

Иккинчидан, хотинини қувонтиради. Айтадики: “Мана, хотин кутган кунинг келди. Энди мени китоблардан қизғонмайсан. Хонани тор қилди, ҳар ерда китоб дея аччиқланмайсан. Китобларимни сотяпман. Сота олмасам, бировга ҳадя қиламан. Энди кўнглингни тўқ қилавер”.

Ҳа, қарилик Алини анча ҳолдан тойдирганди. Кеча Истамбулга бориб келишга чипта олган эди. Охирги куч-қувватини тўплаб, шаҳарга бориб келолса эди. Али устоз самолётда биринчи марта учиши эди. Ўзини бўлакча оламда ҳис этди. Шаҳарнинг энг машҳур китобдорига бориб учради. Дўконга қадам қўяр экан, димоғига ҳид урилди. Қадимий китоблар ҳиди... Йиллар шамоли сарғайтирган ва Истамбулнинг нам ҳавоси урган қоғоз ҳиди. Алининг ичига титроқ кирди. Умр бўйи фарзандидай ардоқлаган китоблари яқинда шу ерга келади. Кирган жойи ўзининг хонасидан анча катта эди. Дўконда уч нафар китобдор бор эди. Ораларида ёши улуғи Али Шарафиддинни дарров таниди. У ҳам ашаддий китоб ишқибози эди. Ноёб китоблар бўлса, охирги тийини кетса ҳам сотиб олар эди. Али ҳам кўп заҳматлар билан нодир китобларни йиққанини билар, уни яхши таниб қолганди. Ҳозир ҳам остонада Али устозни кўриши биланоқ дарров унга пешвоз чиқди.

– Марҳамат, Али устоз! Хуш келибсиз!

Али устоз атрофни кузатар экан, ҳамон кўзлари китобда эди. Китобдор Маҳмуд билан сўрашгач, чўнтагидан китоблар номи

ёзиб тўлдирилган дафтарни чиқарди-да, Маҳмуднинг олдига қўйиб:

– Сўраб борганингда сотмагандим. Энди ўз оёғим билан келдим. Дунё шу экан... – деди.

Маҳмуд рўйхатдаги китоблар номини ўқир экан, юзи борган сари ёришарди. Чунки улар ичида у анчадан бери излаб юрган ноёб китоблар бор эди.

– Бир-биримизни дарров тушунсак керак, – деди мамнунлигини яширмай Маҳмуд.

– Мен ҳам шу умиддаман.

– Ҳозир бу китобларга бирор нарх айта олмасам керак, устоз. Шеригим билан маслаҳатлашай. Сизни норози қиладиган нарх айтмаймиз, иншааллоҳ.

– Бунга ишонаман. Қанча берсангиз ҳам, майли. Китоблар энди сизники, – деди маҳзун ҳолда Али устоз.

Али устоз мол сотган кишига ўхшамасди. У гуё бутун борлиғидан айрилганди. Лекин Маҳмуд унинг китобларини авайлаши, хор қилмаслигига ишонарди. Чунки Маҳмуд ҳам ўзига ўхшаб китобни фоят кадрларди.

Ёмғир одамларни байрам билан табриклагандай тинмай ёғар эди. Шаҳарнинг китоб бобоси номига уюштирилган мазкур кеча ўзига хос тарзда ўтиши кутилмоқда. Шу боис кеча ташкилотчиси Сулаймон Дўғон ҳаяжонланаётган эди. Келаётган меҳмонларнинг адоғи кўринмас, бундан Сулаймон қувонар эди. Кеча бошланишига ярим соатча вақт қолган эди. Кеча очилишига беш дақиқа қолганида зал одамлар билан тўлганидан, келганлар бўш жой излаш билан овора. Улар ичида Рашид ҳам бор. Ниҳоят, охирги қатордаги бўш жойга бориб ўтирди. Рашид ўзини кутаётган қувончли хабардан беҳабар. Ёнидаги ширингина боладан:

– Бўш турган бу стулга бирор яқинингиз келадими? – дея сўради. Бола жавоб бермади. Шунда боланинг ёнида ўтирган опаси Рашидга жавоб қилди:

– Укам туғма ногирон, гапира олмайди.

Рашид кўзларига ишонмади. Бу ўша — хаёлини ўғирлаган қиз эди! Дўкондан соат, компьютерига “сичқонча” сотиб олган қиз... Дарров ўзини кўлга олиб, қиздан сўради:

– Укангизга соат ёқдими?

– Ҳа, жуда хурсанд бўлди.

Кеча соат саккизда тантанали равишда очилди. Сулаймон кеча сабабчиси Али Шарафиддинни қўлидан тутиб, саҳнага олиб чиқиб, безатилган стол атрофига ўтқазди. Кечани очиш учун шаҳар маданият бошқармаси бошлиғи сўзга чиқди:

– Азиз ҳамшаҳарлар! Бугун бу жойга чинор умрини яшаётган азиз инсоннинг таваллуд айёмини нишонлашга йиғилиб турибмиз. Инсонларнинг оғирини енгил қилиш, кўчалар ободонлиги, йўлларни асфальт қилиш, болалар учун ўйинчоқлар тайёрлаш савоб иш саналади. Қадрдон шаҳримиз ободонлиги учун хизмати сингган ўнлаб ҳоким, оқсоқоллар ўтган. Барчасининг номини эъзозлаб хотирлаймиз. Санъат аҳлининг номи мангу яшайди. Шу сабабдан илм-фан учун улкан хизматлар қилган, шаҳарда “китобчи амаки” номи билан машҳур бўлган Али Шарафиддин устознинг таваллуд айёми муносабати билан ушбу кечани уюштирдик. Устознинг кўнглини қанча шод қила олсак, биз бундан бахтиёрмиз. Ёмғир ёғаётганига қарамасдан кечамизга келганингиз учун сиз азиз меҳмонларга ташаккур айтаман. Устозининг умрлари узоқ, тан-жонлари соғ бўлсин. Доим шогирдлар ардоғида бўлсинлар.

У шундай ширин тилаклар айтиб, нутқини тугатар экан, Али устозга сўз берди. Али устоз бир-бир қадам босиб, саҳнага чиқиб келди. Кўзлари кулиб турарди.

– Бизда одатга айланган... ёзувчиларимиз, шоир-у санъат аҳлини Парвардигор раҳматига олгандан сўнг хотирлаймиз. Мени эса ҳали ҳаётлигимда шунча иззат қилиб, эъзозлаётганингиз учун шукрона айтаман. Мени қувонтирган яна бир нарса — бу кечага ҳеч ким мажбуран келмаган. Барчангиз чин меҳр ила бу тантанага келганингиздан ғоят мамнунман.

– Яна бир нарсага чин дилдан хурсандман: келганимда залда кўзларим у инсонни излади. Агар келмаганида ғоят хафа бўлардим. У инсонга раҳмат айтиш елкамдаги қарзидир. Рашиджон, укам саҳнага ёнимга чиқа оласанми? — деди устоз.

Рашид устозининг сўзларини берилиб тинглаётганди. Устозининг бу чорловидан ғоят таажжубланди.

Тантанага унинг нима дахли бор? Усто-зи нега чақирди? Саҳнада нима қилади? Ҳаяжон ва таажуб билан саҳнага чиқар экан, уни шу саволлар қийнарди. Али устоз титроқ кўлларини Рашиднинг елкасига қўйиб, меҳмонларга юзланди:

– Сизнинг қалбингиздан жой олган ўша машҳур шеъримнинг ёзилишига мана шу укам Рашид сабабчи бўлган. Шунча йил яшаб, энг гўзал туйғу бу марҳамат эканини чиройли тарзда англаб етдим. Нафсимни назорат қилиб, ўзлигимни излаб, ана шу туйғуга етишишга ҳаракат қилдим. Лекин энг муҳим туйғуни укам Рашид берди. “Томчи” номли машҳур ўша шеъримни ёзар эканман, Рашиднинг жонсиз капалакка бўлган муҳаббати ва ўзликни англаш завқи кўз олдимдан ўтди. Шеърда ифодаланган туйғулар мени эмас, Рашиднинг туйғуларидир.

Меҳмонлар устозни берилиб бутун вужуди билан тинглашарди. Устоз “Томчи” шеърини ўқий бошлаганда бутун зал ажиб сукунатга чўмди.

ТОМЧИ

Оппоқ булутлар ичра бу томчи
Рўёларга айланар чўккан бу оқшомда.
Ботар аста жанубнинг сарин шамоли
Ётоғини кўкларга кўчирар ўша кеча,
Самонинг синоатига етишар ўша кеча.
Мақсади унга боққанларни маст қилишми?
Ё фонийдан йўқликка ростлашми?
Ерда нопоклик бўлса, кўкда поклик

Мудом айтмас коинот сирина денгизлар
Томчи эса шукрона айтар, ҳикматни эса яши-
рар.

Ҳали отмаган гул устидаги бу тонг
Айланган неча маротаба, ёнган, ёндирган
Тўхтаб қолган бўшлиқда асл ҳақиқат,
Томчида абадият бизни кузатар.
Томчи коинотни кезар, хулоса чиқарар
Япроқда яшил, чирмовуқда бинафшаранг.
Уларга бундай жилва ато этиш қандай амалга
ошади?

Тупроқ юмшайди, булут тўлиб ёмғир ёғади,
Томчи шундай кучки, сўндираар оловни.
Сувни англамоқ муаммо, энг қийин муаммо
Етти ранг қуёшдан бунёд бўлар камалак,
Капалакда топар охири ўзлигин жилвасин.
Бир товус патида ишқнинг хаёли
Ҳайқираар бор овози билан,
Қанотда олижаноблик, патда садоқат,
Биргина ёмғир томчиси тоғлардан сўзлар,
Биргина ёмғир томчиси дарёларга салом айтар.
Тилида сўз бор, қоф, алиф ва лом.
Коинотни кашф қилган қаламдир томчида,
Инсон ақли лол — олам мужассам томчида.

Шеър гаюм бўлганида гулдурас қарсақдан
зал ларзага келди. Меҳмонлар яна бир бор шу

шеърни ўқишни илтимос қилишди. Рашид Ойшагулнинг ёнига келиб ўтирди. Танаффус эълон қилинганида иккиси Али устознинг ижодини муҳокама қилишди. Суҳбат асносида Сарват опасига қўл ишоралари билан бир нималар деди. Ойшагул қизаринди.

Қўй укам, уят бўлади, — деди.

Сарват ундан нимадир сўраётганини Рашид сизди.

— Сарват нимани сўраяпти? Балки ёрдамим керакдир, — деди самимий оҳангда.

— Сизнинг электрон почтангизни сўраяпти. Компьютер дастурларида баъзи нарсаларни сўраб турмоқчи экан.

Рашид қиз билан яна суҳбатлашишга баҳона топилганидан қувонди.

— Жоним билан ёзиб бераман. Шу ҳам муаммоми?

— Сизнинг вақтингизни оладими, деб кўрқаман, — деди андиша билан қиз.

— У томонини ўйланманг. Сарватга ёрдамим текканидан хурсандман.

Рашид шундай дея электрон манзилини ёзиб, Сарватга узатди. Сарват қўл ҳаракатлари билан унга миннатдорчилик билдирди. Рашид унинг қувонганини порлаб турган кўзларида кўрди. Байрам кечаси тамом бўлгач, Ой-

шагул устоз билан хайрлашиб, уйига қайтди. Қиз укаси билан узоқлашар экан, Али устоз Рашиднинг елкасига қоқиб:

– Ажойиб умр йўлдош бўла олади, бу қиз. Нима дединг, болам? – деди. Рашид индамай жилмайиб қўйди. Али устоз бу табассум ортида буюк севгини кўрди. Ичида ёшларга бахт тилаб, дуо қилди.

* * *

Учаласи ҳам остонада турарди. Бу ҳолга учови ҳам ҳайрон эди. Эшик тақиллатиб келган хизмат ходими пули тўланган молни қабул қилиб олишларини айтарди.

– Адашгандирсиз, – деди Саодат ая, – манзилни адаштирмадингизми?

Ходим манзилни қайта ўқиди:

– Янгиер маҳалласи, Шодлик кўчаси, 17-уй. Аниқ сизнинг манзилингиз.

– Лекин биз қиммат аравачага буюртма бермаганмиз. Қолаверса, бунча пулимиз ҳам йўқ, – деди Ойшагул.

– Ҳа, тўғри, – тасдиқлади Саодат ая. – Яна адашаётган бўлманг. Майли, биз аравачани оламиз, ўғлим уни ҳайдар. Лекин эртага эгаси келиб, англашилмовчилик бўлибди, дея аравани олиб кетса, боланинг кўнгли ўксиб қолади.

Саодат она, пули тўланган. Сиз кўрқмай, шу ерга имзо қўяверинг. Балки бирор яқинингиз сизга совға қилмоқчи бўлгандир. Кўрқманг, уни ҳеч ким сиздан қайтариб олмайди.

– Саодат аянинг кўнгли жойига тушди. Ходим электрон аравагани чиқариб, қандай қўлланилишини ўргатди. Ҳаммадан ҳам Сарватнинг қувончи чексиз эди. Ходим кетди. Учовининг юраги дук-дук урар эди. Неча йилдан бери олишни орзу қилиб юрган бу аравага етишганлари учун Оллоҳга шукрона айтардилар. Сарват ўзи бошқариладиган аравага онаси кўмагида чиқиб, хонадан хонага ўтиб, ўйнай бошлади. Саодат ая эса қизи билан ошхонада, котлет пишириш учун масаллиқларни тайёрлай бошлади.

– Яхшилар кўп бу дунёда, қизим, — юрагидан ўтаётганларни яшира олмади она, — марҳаматли, меҳрибон инсонлар бор. Халил Иброҳим бобомни доим эслайман. Ундан ажойиб хотиралар қолган. Айниқса, бир воқеа тез-тез эсимга тушаверади. Ажойиб одам эди раҳматли бобом. Бобом яшаган замонда асфальт деган нарсалар бўлмаган. Ҳовлилар оддий тошдан кўтарилган. Уйлар, йўллар фақат тош билан бино қилинган экан. Тошдан кўтариб, эшик, дераза қўйиб, қишга тайёрланган

ҳовлида бобом ўйиб шакл берган бир неча тош бўларди. Биз унга «тош қуш» дея ном бергандик. Бобом боғдами, йўлдами — қаерда бекор ётган тошни кўрса, ичини ковак қилиб ўйиб, қушларга ин ясарди. Шу билан ўзини бахтиёр ҳис этарди.

– Тош қушларнинг қандай нафи бор? — қизиқсиниб сўради Ойшагул.

– Ҳозир буни ҳам айтиб бераман. Ёмғир ёққанда ўша ковак тошлар ичи сувга тўларди. Қушлар, товуқ, ҳатто, ит, мушуклар ҳам ундан сув ичарди. Уларнинг сув ичишини томоша қилиш бобомга завқ бағишларди. Бобом қилган ана шу савоб ишлар бизга қайтиб келяпти. Ахир саховатли одамнинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолмадикми? Оллоҳга ноламиз етиб бориб, мушкулимиз осон бўлди. Неча йилдан буён шу аравагани олишга пул йиға олмаймиз. Шунда ҳам қарз сўраб, бировга бормадим. Отанг ташлаб кетган бўлса ҳам сизларни бошқалардан кам қилмай ўстиряпман.

– Она, биласизми, Рамазон ҳайити кунлари, остонамизга пул тўла конвертни ташлашади-ю, биз чиққунча эгаси кетиб қоларди. Биз уларга раҳмат айтишга ҳам улгурмасдик...

– Улар шундай табаррук инсонларки, сахийликда тенги йўқ. Яхшиликларини Оллоҳ

таоло ризоси учун қиладилар. Улар сендан раҳмат эшитиш учун яхшилик қилмайдилар. Ўша яхшиликлари туфайли Оллоҳ таолонинг ризолигига эришишни истайдилар. Ундай инсонлар жаннатга муносиб, қизим.

Ойшагул онасининг ҳикоясини диққат билан тинглаб ётган бўлса-да, қўли ишлашдан бир зум тинмасди. Бир кунда неча минглаб котлет қўлидан ўтади. Шунда ҳам чарчаш нималигини билмайди. Онаси яхши инсонлар тўғрисида гапирганида кўз олдига компьютерчи йигит келди. Саховатда у ҳам беназир кўринди. Балки Сарватга аравагани шу йигит юборгандир?! Шу пайт Сарват араваганини чақмоқ тезлигида учириб, ошхонага кирди. Аравача урилганидан сув идиш ва тоғорада турган котлетлар сочилиб тушиб, ер билан битта бўлди. Тоғорадаги котлетларнинг ярмидан кўпи эзилиб кетди. Сарват янги аравачага мослаша олмаган, уни бошқара олмай онасига ташвиш орттирганди. Саодат ая ва Ойшагулнинг кўзи қинидан чиққудек бўлиб, саросимага тушиб қолишди. Янчилган котлетларнинг ўрнини тўлдириш анча маблағ ва меҳнатни талаб қиларди. Сарват эса ўзини айбдор сезиб, аяб чекаб, бу унинг юз-кўзидан кўриниб турарди. Бу тил-

сиз ва ногирон бола ҳеч қачон атайин зарар етказмаслигини онаси яхши биледи. Шунинг учун шундай кўнгилсизликлар юз берганида у ҳеч нарса рўй бермагандай хонани тозалаб оларди. Онаси ҳеч аччиқланмас, укасининг кўнглини олиб, ширин гапирарди. Онаси ва қизи бу ногирон болага марҳаматли, раҳмдил бўлишга уринишар, токи Оллоҳ таоло ҳам уларга марҳамат кўзи билан боқсин. Қош чимириб, болага асло зарда қилишмасди. Чунки билишадикки, болага бундай қўпол муносабатда бўлиш Тангрига хуш келмайди. Мана шунинг ўзи ҳам Сарват учун улкан бахт эди. Ўша оқшом аравагани ким ҳадя қилгани, Сарват янги аравада эртага шаҳарнинг қаерларига боришини режалаштириш хусусда суҳбатлашишди. Ойшагул эса Рашид у ҳақда ўйлармикан ё йўқлигини хаёлидан ўтказиб тун бўйи ухлолмади...

Ойшагул Сарват билан сайрга чиққан эди. Бугун бошқача кун эди. Энди опаси қийналиб, Сарватнинг аравачасини итариб юришига ҳожат йўқ. Сарват аравачани тугмалар орқали ўзи бошқариб борар, опаси эса унга қизиқ-қизиқ воқеалар айтиб берарди. Ноябрь ойининг охирлари бўлишига қарамасдан, ҳаво мулойим эди. Бундай ҳавода шаҳар янада жонланади. Сарват мамнунлигини қўл ҳаракатлари билан билдирарди онасига. Орада Ойшагулни ранжитиб, қайсарлик билан ҳадеб: “Рашид акамнинг ёнига борайлик”, — дерди. Қиз эса тушунарсиз туйғулар ичида қолганди. Қандай боради? У ёш қиз бўлса, Рашид — ҳали уйланмаган бўйдоқ йигит. Нима деб ўйлайди?! Номига доғ туширмайдими? Ҳали Рашид қиз тўғрисида ўйлайдими — йўқми? Балки хаёлида бошқа қиз бордир... Сарват опаси нимадан андиша қилаётганини пайқаган эди.

— Соат учун раҳмат айтаман, — дея опасини хотиржам қилди. Ундай бўлса, борса бўлади. Сарватни эргаштириб, компьютер дўкони томон кетаркан, хаёлидан минг бир ўй ўтди. Дўконга яқин келганида нима бўлса бўлар, дея таваккал ила эшикни очди.

– Ассалому алайкум! Биз келдик, – дея йчкарига кирди, – Сизга ваъда бергандим. Мана, Сарватни олиб келдим. У сиз ҳады қилган соат учун раҳмат айтмоқчи.

Стол устида турган капалакка тикилиб, уй суриб ўтирган Рашид уларни кўриб, севиниб кетди.

– Оооо, келиб мени жуда қувонтирдинглар! – деди. Қизга ўтириши учун жой кўрсатди ва сўзида давом этди:

– Охирги кўришганимизда оддий аравада эдинг, Сарват! Янги аравангни кўриб, хурсанд бўлдим. Буюрсин, олиб жуда яхши қилибсизлар!

– Асти сўраманг, ким берганини ҳам билмаймиз. Бир саховатли инсон пулини тўлаб, бизникига ходими орқали жўнатибди. Дўкондан олиб келиб беришди. Ўша яхши инсонни онам, ҳаммамиз тинмай дуо қиламиз.

– Ҳа, шундай яхши инсонлар жуда кўп. Бувим дунёнинг бу хилдаги ўзгаришларидан хавотирланарди. Одамлардан оқибат кўтариляпти, деб кўп тақрорларди.

Йигит сўзлар экан, Ойшагул уни кузатар, бирор ўзгариш булармикан дерди. Аравачани шу йигит юбормаганмикан, дея тахмин қиларди. Лекин бирор нарсани аниқлай ол-

мади. Ё йигит усталик билан сездирмаяпти-
микин? Шу пайт шошилиб бир киши кирди.

– Келинг, ака! – деди самимий Рашид.

– Ўтиришга вақт йўқ, ука! Ишларим жуда
кўп. Ярмини сенга берсамми бу буюртмалар-
ни. Айтганингдай суриштирдим. Сен айтган
таклиф маъкул келди, – деди у.

– Бир сўзли йигит эканлигингни биламан.
Бир ой ичида битириб берарсан.

– Илтифотингиз учун раҳмат. Иншааллоҳ,
бир ой ичида битказаман.

– Келишдик! – чўнтагидан бир даста пул
чиқариб, Рашидга узатди. – Мана юз минг
аванс. Зарур ашёларнинг энг сифатлисини
олгин. Шартларимни айтганман.

– Хотиржам бўлинг, ака. Буюртмани айтган-
нингиздай қиламан.

Харидор мамнун ҳолда. Рашид билан хайр-
лашиб, дўкондан чиқди. Рашид ҳаяжонини
яшира олмади.

– Қадамингиз қутлуғ келди. Дўконни оч-
ганимдан бери энди шундай катта буюртма
олишим. Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин, бер-
ганига шукр.

– Сиз бундан ҳам каттароқ ишларни амалга
оширасиз.

Қиздаги ишонч Рашидни ҳайрон қолдирди:

– Бундай деганимнинг сабаби шуки, Парвардигори олам шундай марҳамат қилади: “Шукр қилувчилардан бўлсангиз, неъматимни кўпайтираман”. Сиз ҳам боя ихлос билан Парвардигор берган неъматларга шукрона айтдингиз. Ишонч билан гапирганимга шу сабаб бўлди.

Шу пайт Ойшагулнинг қўл телефони жиринглаб қолди.

– Лаббай, онажон!

– ...

– Ижтимоий таъминотдан келибдими?

– ...

– Ё Худо, бўлиши мумкин эмас!

– ...

– Лекин нафақага чиқишингиз учун ҳали 3-4 йил бор-ку! Майли, она! Ҳозир бораман, дўкондаман.

Ойшагул хушxabар эшитган бўлса керак, кўзларида қувонч порлади. Рашид «нима гап?» дея қараб турганини кўриб, изоҳ беришга шошилди:

– Одамнинг ишонгиси келмайди. Ижтимоий таъминот марказидан хат келган экан. Хатда онамга “Сизга нафақа тайинланди” дейилган. Онам қувонганидан ўзини кўярга жой топа олмаяпти. Лекин мен иккиланаяп-

ман. Бу ерда англашилмовчилик йўқмикин? Онам нафақа ёшига етмаган. Ҳозир нафақа пули тайинлаб, келгуси йил қарздор қилиб қўйишмасин тагин.

– Тўғриси, хавотирландим. Бирор нохуш хабармикан, деб. Рост айтасиз, ҳозир бориб суриштирмасангиз, кейин анча ҳужжатларда чалкашликлар бўлиб ётади. Кўнгилсизликнинг олдини олган маъқул.

* * *

Қиз онаси билан нафақа тайинлаш жамғармасига келди. Саодат ая олган хатини жамғарма ходимиغا кўрсатиб, аниқлик кириштишини сўради.

– Саодат опа, нафақа тўғрисидаги 5510 – сонли қонунга мувофиқ ёлғиз ўзингиз икки нафар фарзандингизни парваришлаганингиз учун 2 йилдан 4 йиллик имтиёз билан тўрт йил аввал сизга нафақа тайинланди, – деди ходим.

– Қандай қилиб ахир? – ишонмай сўради Саодат ая.

– Қандайингиз нимаси? Расман нафақа тайинланган сизга. Кейинги ойдан бошлаб, банк сизга нафақа маблағини ажратади. Келиб олаверасиз.

– Кейин англашилмовчилик бўлган экан, дея қайтариб олмайсизларми?

– Ё тавба, қизиқ одам экансиз-ку опа? Боядан бери нимани тушунтираяпман? Нафақа олишда сиз учун ҳеч қандай муаммо чиқмайди. Ҳаммаси қонуний.

Ниҳоят, Саодат аянинг кўнгли жойига тушди. Ходимга ёрдами учун миннатдорчилик билдириб, она — бола ташқарига чиқишди. Иккиси ҳам бу қувончли ҳодиса учун Оллоҳ таолога шукрона айтар эди...

* * *

Биринчи қор ёғар эди. Рашид деразадан қараб, ташқарини мароқ билан кузатарди. Кўча чироғи табиатнинг бор чиройини ёритиб турарди. Тўкилиб улгурмаган дарахт япроқлари қишга ажиб ҳусн бағишларди. Рашид шу кунларда ажиб бир кайфиятда юрарди. Табиатнинг ҳар гўзаллигидан завқ олар, юраги шодликка тўлиб, вужудига сиғмас эди. Мана шу қувончли кунларга етказгани учун Оллоҳга шукрона айтишни унутмасди. Қор ёғишини томоша қиларкан: “Аслида билганлар билан билмаганлар тенг бўлармиди?” деган илоҳий ўғит эсига тушди. Онаси ҳам ғоят оқила аёл. У кўп ҳикматларни билади. “Шу

битта булутдан баъзан қор, баъзан ёмғир ёғади. Ўғлим, ҳаёт ҳам шундай. У гоҳ ширин, гоҳ аччиқ. Ёмғир ёққанда бутун табиат ювилиб покланади. Қор ҳақида уйлар экан, Рашиднинг хаёлига яқинда интернетда кўрган қор манзаралари келди. Қор парчаларини фаришталар юборишига ишонган йигит бир нарсага ғоят таажжубланганди: оппоқ қор парчалари асло бир-бирига ўхшамасди.

Ягона улуғ Зот Аллоҳ таоло минглаб, балки миллионлаб қор парчаларига бирма-бир шакл берган. Буни билувчи мўминлар Яратганга билмаганлардан кўпроқ зикр айтишади. Рашид деразадан қараб, қор ёғишини кузатар экан, хаёлидан нималар ўтмади?! Бу қор парчалари қайси булутдан тушаётганини ким билади? Булутлар қандай ҳосил бўлади? Эҳ, қанчалар мураккаб саволлар... Бу саволларга бутун дунё олимлари бир жойга йиғилган тақдирда ҳам жавоб топа олармикан?

Рашид ўйноқлаб ёғаётган қор парчаларига завқ билан тикиларди. Балки қор парчалари ҳам Рашидга жилмаяётгандир? Уларнинг жони бормикан? Улар ҳам фикр қилармикан? Ё тавба, жонсиз нима дегани? Қиш бўйи бугун табиатни қоплаб туришади. Баҳорда эса бу қорлар дарахт-у ўт-ўланлар, гуллар томи-

рига озуқа булиб боради. «Жонсиз» дега-
нимиз мана шу қор парчалари Яратганнинг
амри билан тупроққа жон бахш этади.

Бу қорларчиннигулда қирмизи, чирмовуқда
яшил, атиргулда ёқимли ифор, қузиқоринда
оппоқ, сумбулада сариқ тусга айланади.

Рангсиз саналган томчида қуёш нури ту-
файли етти хил ранг — камалак жилваланади.

Табиатда инсонни лол қолдирувчи нарса-
лар бисёр... Сув музга айланганида пичоқ
ҳам ўтмай қолади. Ҳатто, болта ҳам унча —
мунча музни кеса олмайди. Сув куч-қувват,
ҳаёт манбаи эканлиги бежиз эмас. Инсонга,
жонзотларга тириклик ато қилади. Томчида
чексиз ҳикмат мужассам. Қорда мулойим-
лик, ёмғирда поклик жам. Олтин кузнинг
сариқ япроқлари устига осмондан тушаётган
қор уни ўз марҳамати билан ўрайди. Чунки
уни марҳаматинг билан ўра, дея амр қилмиш
Раббим...

Рашид анча вақт ана шундай ўй — хаёллар
оғушида қолди.

Хаёлини компьютерига келган хабар бўл-
ди. Унинг электрон почтасига меҳмон таш-
риф буюрганди. У Сарват эди.

– Хайрли кеч! — ёзарди Сарват.

– Сенга ҳам хайрли оқшом!

– Аҳволингиз қандай? Яхшимисиз?
– Минг шукр яхшиман! Сен –чи?
– Мен ҳам яхшиман. Сиздан бир нарса сўрасам, майлими?

– Майли.

– Компьютерим «заҳира хотираси тугади» деяпти. Заҳирани тўлдиришим лозим. Бу қандай амалга оширилади?

– «Назорат столи»га кириб, «система» файлини оч. Шу ердан топасан.

Рашид Сарват билан хайрлашиб, яна дераза олдига келди. Оппоқ қор қоплаган кўчани томоша қиларди. Орада шамол туриб, қор парчаларини ўйноқлата бошлади. Бу ҳам кишига завқ берарди. Рашид ташқарида шундай изғирин бўлиб турган бир пайтда, унга иссиқ уйда ўтиришни насиб этган Оллоҳга шукрона айтди. Хаёлига Сарват келди. Қизиқ, компьютерини созлай олдимикин? Бориб, компьютерда унга хабар ёза бошлади.

– Қандай укажон? Уддалай олдингми?

Дарров жавоб келди:

– Сарват компьютернинг ёнида эмас. Телевизорда футбол томоша қилаяпти.

– Э-ҳа, сизмисиз, Ойшагул? Қандайсиз? Соғ-саломатмисиз? Уйдагилар яхшими?

– Раҳмат, шукр. Ҳаммамиз яхшимиз. Бир оз аввал қор ёғишини томоша қилдим. Руҳим сокинлик ичра кезди.

– Мен ҳам қор ёғишини кузатдим. Қорни ўйлашим билан беихтиёр хаёлимга фаришталар келади. Сиз ҳам билсангиз керак: ҳар қор парчасини фаришталар олиб тушар экан.

– Ҳа, эшитганман.

– Сарват қандай? Зерикмаяптими?

– Олдингидан анча қувноқ. Шунча қийинчиликка қарамай, ҳаётдан бахт излаб яшаяпти. Биз ҳам қўлдан келганча ёрдам бер-япмиз.

– Сарват ҳақиқатан бахтли. Чунки унинг сиздай ажойиб опаси бор. Онангиз ҳам гоят меҳрибон.

– Ҳа, шундай. Онам – тенги йўқ аёл. Укам ногирон бўлса ҳам унга яхши қараймиз. Буни ибодат тарзида адо этишга ҳаракат қиламан.

– Албатта, бу ибодат. Ҳам фарз, ҳам суннат, ҳам вожибдир. Қанчалар бахтлисиз! Сизга ҳар куни бу фарз, суннат ва вожибнинг савоб гулларини териш насиб этади.

– Қийналмаяпман, десам ёлғон айтган бўламан. Лекин бу дунё – синовли. Жаннат шунчалар тенгсизки, унга етишмоқ осон эмас.

– Ҳа, жаннатга эришмоқ учун ҳар қадамимизни сарҳисоб қилиб юришимиз лозим. Ҳаётда чиройли яшаш учун эмас, ҳалол яшаш учун интилиш лозим.

– Ҳа шундай, – дея жавоб қилди қиз.

– Бир нарса сўрасам, майлими?

– Майли.

– Сизни биринчи марта кўрган куним... эслай оласизми, Уста Умарнинг дўконида.

– Ҳа, эсимда. Адашмасам, сизнинг қўлингизда жонсиз капалак бор эди.

– Ҳа! Сиз эса товус патини кўтариб олган эдингиз...

– Уни мўмиёлатмоқчи эдим. Умар амаки бундай ишларнинг устаси. Ҳозир уни хатчўп сифатида китобларим орасига қўяман. Айтганча, сизнинг капалагингиз ҳам ажойиб бўлган экан. Иш столингизга жуда ярашиб турибди.

– Ажабо, жуда эътиборли экансиз, – ҳайратини яшира олмади Рашид.

– Мен ҳар доим икки кишилик эътибор билан юришга мажбурман.

– Бир оз тушунмадим?

– Сарватни назарда тутаяпман. Кўчага чиққанимизда у учун хавф-хатарга мен эътиборли бўламан. Укам қулоғи қар бўлгани

учун келаётган машинанинг овозини эшитмай, аравасини ҳайдаб кетаверади.

– Тушунаман. Бу осон эмас. Худо сизга куч-қувват берсин. Сўрамоқчи бўлган саволим бошқа эди. Товус пати ҳаётингизда бирор нарсани эслатиб турадими?

– Шундай деса ҳам бўлади.

– Айтиб бера оласизми?

– Шу йил августда Ёлғизкавак шаҳарчасига бордик. Узоқ қариндошимиз меҳмонга чақирган эди. Сарват ҳам ҳаво алмаштирса яхши бўлади, дедик. Оилавий сайрнинг ўзгача гашти бор.

– Нимасини айтасиз!

– Қариндошимиз ажойиб одам. Гаплари пурмаъно, эшитганинг сари дилинг яйрайди. Шаҳарчанинг кичик кўли бор. Суви шундай зилолки, баҳри дилингиз очилиб, дардингизни олади. Кўл этагига қариндошимиз ҳайвонот боғи қурдирган экан. Нонуштадан сўнг ана шу жойга айлангани чиқдик. Боғда ҳамма нарса бор. Томоша қилиб тўймайсан: туяқуш, товуслар, қуёнлар-у товуқларнинг эллик хил тури, ҳатто, Таиланд мушугигача бор. Шаҳарчада товуслар тўғрисида машҳур бир латифа юраркан. Биласиз, товус жонзотлар ичида ўзгача чиройга эга. Қанотларини

ёйганида ғоят ғурурланиб қўяркан. Шу пайт оёқларига кўзи тушиб:

– Шундай чиройли қанотларга шу хунук оёқлар ярашадими? – дея яна қанотларини йиғиб оларкан.

– Ҳа, ҳақиқатан ажойиб латифа экан, – деди Рашид. – Менга ҳам ёқди.

– Ҳа... Баъзи дугоналарим менга кўри-нишингдан кибрлига ухшайсан, дейишади. Аслида манманликни жуда ёмон кўраман. Чунки манман кишини Худо хуш кўрмайди. Кибрга берилиш шайтондан эканлигини билсангиз керак.

– Йўқ, йўқ.. Сизда кибр нима қилсин?! Бунимен ҳам тасдиқлайман.

– Ишончингиз учун раҳмат! Отаси йўқ қизга ёмон назар билан қарамасин, деб доим жиддий қиёфада юраман. Лекин жиддийликни ҳам меъёрдан оширмасликка ҳаракат қиламан. Одам ўзи билмаган ҳолда кибрга берилиши ҳеч гап эмас. Оёқларини кўрганда манманликка берилмай, қанотларини йиғиб олувчи товус патини доим ёнимда олиб юришимга сабаб шу эди.

– Ғалати хулоса...

– Балки мени телба дерсиз? Баъзан ўша шаҳарчадан олиб келган товус пати билан

учун келәстган машинанинг овозини эшит-
май, аравасини ҳайдаб кетаверади.

– Тушунаман. Бу осон эмас. Худо сизга куч
-қувват берсин. Сўрамоқчи бўлган саволим
бошқа эди. Товус пати ҳаётингизда бирор
нарсани эслатиб турадимиз?

– Шундай деса ҳам бўлади.

– Айтиб бера оласизми?

– Шу йил августда Ёлғизкавак шаҳарчасига
бордик. Узоқ қариндошимиз меҳмонга
чақирган эди. Сарват ҳам ҳаво алмаштирса
яхши бўлади, дедик. Оилавий сайрнинг ўзга-
ча гашти бор.

– Нимасини айтасиз!

– Қариндошимиз ажойиб одам. Гаплари
пурмаъно, эшитганинг сари дилинг яйрайди.
Шаҳарчанинг кичик кўли бор. Суви шун-
дай зилолки, баҳри дилингиз очилиб, дар-
дингизни олади. Кўл этагига қариндошимиз
ҳайвонот боғи қурдирган экан. Нонуштадан
сўнг ана шу жойга айлангани чиқдик. Боғда
ҳамма нарса бор. Томоша қилиб тўймайсан:
туяқуш, товуслар, қуёнлар-у товуқларнинг
эллик хил тури, ҳатто, Таиланд мушугигача
бор. Шаҳарчада товуслар тўғрисида машҳур
бир латифа юраркан. Биласиз, товус жонзот-
лар ичида ўзгача чиройга эга. Қанотларини

ёйганида ғоят ғурурланиб қўяркан. Шу пайт оёқларига кўзи тушиб:

– Шундай чиройли қанотларга шу хунук оёқлар ярашадими? – дея яна қанотларини йиғиб оларкан.

– Ҳа, ҳақиқатан ажойиб латифа экан, – деди Рашид. – Менга ҳам ёқди.

– Ҳа... Баъзи дугоналарим менга кўри-нишингдан кибрлига ўхшайсан, дейишади. Аслида манманликни жуда ёмон кўраман. Чунки манман кишини Худо хуш кўрмайди. Кибрга берилиш шайтондан эканлигини билсангиз керак.

– Йўқ, йўқ.. Сизда кибр нима қилсин?! Бунимен ҳам тасдиқлайман.

– Ишончингиз учун раҳмат! Отаси йўқ қизга ёмон назар билан қарамасин, деб доим жиддий қиёфада юраман. Лекин жиддийликни ҳам меъёрдан оширмасликка ҳаракат қиламан. Одам ўзи билмаган ҳолда кибрга берилиши ҳеч гап эмас. Оёқларини кўрганда манманликка берилмай, қанотларини йиғиб олувчи товус патини доим ёнимда олиб юришимга сабаб шу эди.

– Ғалати хулоса...

– Балки мени телба дерсиз? Баъзан ўша шаҳарчадан олиб келган товус пати билан

сўзлашиб қоламан. Буюк Зотнинг ризолигига эришишда шайтон мени йўлдан оздирмасин деб доим илтижо қтламан.

Қизнинг кейинги сўзлари Рашидни қаттиқ таъсирлантирди. Рашид ўзи орзу қилган рафиқанинг сифатларини Ойшагулда кўрган эди. Капалак ва товусдаги гўзаллик уларнинг тақдир йўлини бирлаштирармикан? Рашид мана шу қизнинг ҳаётига қувонч олиб келишини сўраб, Худога илтижо қилди. Шуларни ўйлар экан, йигит Ойшагулдан келган кейинги хабарни ўқишда давом этди:

– Товус пати ҳақидаги ҳикоям мана шу эди. Энди менга ҳам капалакнинг сирларини ҳикоя қилиб берасизми?

– Ростини, ҳикояларимиз шу қадар бир-бирига яқин эканки, ўзим ҳам ҳайрон қолдим. Ҳикоямни ҳаммадан кўпроқ сиз теран англайсиз, деб ўйлайман. Чунки дунёқарашингиз менинг хаёлларимга жуда яқин экан. Зерикмасангиз, айтиб берай...

– Аксинча, жон қулоғим билан тинглайман. Ҳикоянгиз капалак қанотидай чиройли эканига шубҳа йўқ...

– Кунларнинг бирида ишхонамда ишлаб ўтиргандим. Осмон бирдан қорайиб, қоронғу тушгандай бўлиб қолди. Осмонни бир зумда

қоп-қора булут қоплаб олди. Шу пайтгача булутларнинг қисқа вақт ичида бир жойга тўда бўлганини кўрмаган эканман. Кейин чақмоқ чақиб, раҳмат ёмғири ёға бошлади. Ҳаммаси шу қадар тез рўй бердики, ўрнимдан туриб, деразани ёпишга зўрға улгурдим. Ташқарига қараб, ўша сиз кўрган капалакнинг завқ билан учаётганини кўриб қолдим.

– Қўй, борма! Ёмғир бошланаяпти. Ҳозир ёмғирда ивиб ҳалок бўласан, – дедим. – Тўғри, мени эшитмасди у. Балки у сувни ёқтирар, балки томчилар олиб келган гуллар ҳидидан маст бўлгиси келгандир. Нима бўлганда ҳам ўзини панага олмай, ёғаётган ёмғир томон учди. Кўп уча олмади. Ёмғирда ивиб, қанот қоқа олмай ерга тушди. Бечоранинг нима жони бор? То йўлакка бориб, уни оламан дегунимча жон берибди. Чиқмаган жондан умид, дея уни хонага олиб келдим. Гуллар ёнига қўйдим. Қанотлари бир қимирлади—ю, жон берди. У гўзал заминда, оби раҳмат қўйнида ҳаёт билан видолашганди.

Ўйлашимча, капалак ўша кунни табиат гўзаллиги сари қанот қоққан, учиб кетганди. Сиз товус пати билан суҳбатлашганингиз сингари мен ҳам неча кун капалак билан сўзлашиб, ўзлимни топишга уринаман.

У менга бир нималар сўзлайди, мен унга. Унинг ўлимида гўзалликни пайқаган эдим. Мана шу ҳодиса менга кўп нарса ўргатди. Лекин энг биринчи марҳаматли бўлишни — меҳрибон бўлишни ўргандим.

«Марҳамат» тушунчаси биз ўйлагандан ҳам кенгроқ экан. Капалакнинг ўлимида Парвардигорнинг марҳамати бор эди.

Рашид ёзган мазкур сатрлар Ойшагулни таъсирлантирганидан унинг кўзи намланди. Шу кунгача келаётган совчиларга рад жавобини бераётган эди. Лекин Рашидга ўхшаган икки дунёсини ўйлайдиган йигит бўлса, рад жавобини беришга шошилмасамикин? Лекин Сарватни қандай ташлаб кетади? Ким унга суянчиқ, тилсиз, кар болага забон, қулоқ бўлади? Ойшагул тушунарсиз туйғулар гирдобида қолди. Қайси бармоғини тишласа ҳам оғрийди. Азоб... Нима бўлса ҳам азоб ичида қолди... Ташқарида эса ҳамон қор ёғарди. Ойшагул Рашиднинг бу оқилона сўзларига нима дея оларди?

– Жуда ажойиб, — дея олди ва қўшимча қилди, — Сарват ухлаб қолибди. Ўрнига ётқизиб қўяй. Майли, сиз ҳам яхши дам олинг.

– Майли, хайрли тун.

Қиш қишлигини қилиб, қор тўхтамай ёғарди. Шамол қор парчаларини деразаларга урар, ойналар буғланиб, борлиқни қиш таровати чулғаб олганди. Рашид мана шу изғиринли кунда иссиққина уйда ўтиргани учун Раббига шукрона айтишни унутмади. Капалак қаноти ва товус пати бежиз учрашмагани, бу тақдир тақазоси эканлиги, қиз ҳалоллаб жуфти ҳалолига айланишини ўйлаб ўтирарди. Компьютерда турли шаклларни чизар, манзарали расмлардан чиройлиларини танларди. Тўй учун ҳамма расм-русумлар адо этилганди. Ҳаммаси албатта амалга ошади-гандай тўй таклифномаларининг намунасини тайёрлади. Тўй таклифномаларида, албатта капалак қаноти ва товус пати тасвиридан фойдаланиш ҳақида ўйларди. Қалбида ажиб бир ҳис жўш урарди. Бу янги оила барпо бўлишида капалакка нисбатан ҳис қилгани — қалбида туғилган марҳамат туйғусининг ўрни катта эди. Балки капалак уни жон бермасидан олдин дуо қилгандир?

Рашид ҳаёт денгизида тўфонларга сабр қилиб, ўзига муносиб жуфт топа олгандан, бахтиёр эди. Ойшагулни ўзининг қалб гулзорига қўнган капалак сингари тасаввур

қиларди. Кичик бир хатоси ҳам ана шу гўзал капалакни чўчитиб, учириб юборишидан қўрқарди. Рашид шу пайтгача не-не гўзалларни учратмади, дейсиз. Лекин уларнинг ҳеч бирини умр йўлдош сифатида сева олмади. Мана, бахтини топди! Шу қиз учун бирини беришга тайёр. Рашид гўзалликни ўзига хос тасаввур қиларди. Шаҳрида минглаб гўзал қизлар бўлиши мумкин. Бувиси кўп таъкидлаганидек: “Қизларнинг одоби ўзи бир ҳусндир”. Рашид Ойшагулдаги ички гўзалликни пайқаганди. Уни бир бор кўриб, эҳсушидан айрилди. Хаёлидан шу қиз кетмай қолди. Қизиқ, Ойшагулдан қўлини сўраса, у рози бўлармикан? Ўша куни интернет орқали сўзлашган саҳифасидан нусха кўчириб олиб, қизнинг сўзларини такрор-такрор ўқиганди. Зеҳни ўткир, хушмуомала қиз эканлиги сўзларидан аён...

Қиз тўғрисида онасига сўз очганида, у бечора шу қадар қувондики... Рашид онасининг бунчалик хурсанд бўлишини кутмаганди. Совчиликка бориш ҳақида айтар-айтмас онаси:

– Оғзингга бол, болам. Эртага нимаси? Ҳозироқ отланаман совчиликка. Келинимнинг эшигини шу бугуноқ тақиллатиб кириб бораман, — деди шодлана-шодлана.

Саодат ая кир юваётган эди. Телефон жиринглаб қолди. Телефон гўшагини кўтариб, у томон билан гаплашар экан, ғоят ҳаяжон ичида қолди. Қўнғироқ қилган Рашиднинг онаси бўлиб, у Саодат аядан қизининг кўлини сўраган, бугун совчилар борса, бўладими — йўқми шуни билмоқчи эди.

Ҳар бир она учун қизини узатмоқ қанчалик бахт бўлса, ундан айрилмоқ ғоят азоб эди. Неча йил меҳрини бериб улғайтирган қизини ўзга хонадонга узатмоқ она учун осон эмас. Юрак — бағри неча маротаба тилка — пора бўлади. Начора, қиз бола — уйига меҳмон. Уни эгасига топшириб, қарзини узиш лозим. Бу хабарни эшитган Ойшагул онасидан кўпроқ ҳаяжонга тушди. Қўнғироқ қилган аёл ким экан? Кошки Рашиднинг онаси бўлса! Эҳтимол ўшадир? Агар бу совчилар Рашиддан келган бўлса, қиз уларга бир неча илтимосини айтади. Совчилар бошқа бировдан бўлса, рад жавобини бериб юборади. Шу қарорга келиб, Ойшагул ҳаяжонини босиб олди. Кўп фурсат ўтмай, Рашиднинг онаси ва холаси қизнинг эшигини тақиллатиб келишди. Эшикни Сарват очди. Меҳмонларга дастурхон ёзилиб, чой узатилаётганда сов-

чилар йигитнинг кимлигини таништириб, унинг насл-насабини сўзлаётгандилар. Ойшагул йигитнинг исмини эшитиб, юзига табассум югурди. Саодат ая меҳмонларни одоб билан кутиб олиб, совчилик удумига кўра, хушмуомалалик билан сўзлар эди:

– Сизлар яхши оиладан эканлигингиз гап-сўзингиздан кўриниб турибди, айланай. Уйлайманки, ўғлингиз ҳам эсли-хушли йигитга ўхшайди. Энди қизимнинг ҳам олдидан бир ўтай... Болаларимни бир кўз билан катта қилдим... Уларнинг кўнглига қарай. Шунга қараб, бирор жавоб айтамыз.

– У ҳолда, сиз лозим кўрсангиз, Рашид онаси билан келсин. Улар қизингиз ва сиз билан танишсин, — деди Рашиднинг холаси.

Бу таклиф Саодат аяга маъқул келиб, рози бўлди. Совчилар хайрлашиб кетишди.

* * *

Ойшагул электрон почтасини очганида ҳеч кутилмаган хабарни ўқиб қолди:

– Қизим... — дея ёзилганди хатда, — онанг кўнғироқларимга жавоб бермаяпти. Электрон манзилингни дугонанг Севардан олдим. Ундан сизлар ҳақингизда суриштириб, тўйинг бўлаётганини билиб олдим. Бахтли ку-

нингда, висол кечасида ёнингларда бўлишни
истайман. Илтимос, менга шу қувончни кўп
кўрма. Тўйнинг куни боришимга ижозат бер.
Салом билан отанг Холис”.

Хатни онасига ҳам ўқиб берди ва жавоби-
ни биргаликда ёзишли:

Агар бахтни мана шу тўй шодиёнасида
ҳис қилишни истасангиз, неча йиллар ав-
вал этагига осилиб кетган ўша сариқ сочли
аёлнинг фарзандлари улғайиб, оилали бў-
лишини кутинг. Ана шуларнинг ёнида тўй-
да ўтираверинг. Ҳалолнинг шодон дамлари
қадрига етмоқ учун ҳаромнинг заҳрини то-
тиб кўрмоқ лозим. Ҳалолликдан юз ўгирган-
лар «Нега бахтсизман?» деган саволни бе-
ришга ҳақли эмас. Тўй таклифномаларини
тарқатаётганимизда меҳмонлар орасида “Хо-
лис” исмли шахснинг бўлишини истамаймиз.

Саодат, Сарват ва Ойшагул.

Шу воқеадан сўнг икки кун ўтди. Жума намозидан қайтган Рашид ҳаётида биринчи марта гулчига гулдаста ясагирди. Ушбу гулдастани кўтарганча қалби ажиб сурурга тўлган онаси билан бирга Ойшагулларнинг хонадонига йўл олди.

Оналар ёшларни ёлғиз қолдиришди. Аёллар бошқа хонада, меҳмонхонада эса Рашид, Сарват ва Ойшагул суҳбатлашиб ўтиришди. Рашид қизнинг кўнглини билиш мақсадида, қалбидаги бор гапни очиқ-ойдин айтди:

— Менинг сизга ҳеч қандай шартим йўқ. Сиздаги ўзгача ибодат-ҳаё, ички гўзаллик мени мафтун этди. Сарватнинг компютерида суҳбатлашиб қолганимиз куни сизнинг қандайлигингизни билган эдим. Сиздай тегран фикрловчи, оқила, ифбатли қизга шарт қўйишим одобдан бўлмаса керак. Сизни ранжитишдан қўрқаман, — деди.

Ойшагул ҳаяжондан дир-дир титрар, уятдан лов-лов ёнарди. Ҳаяжонида шодлик ҳам борлиги кўриниб турарди. Шунга қарамай, оғзидан чиққан биринчи сўз Рашиднинг дунёсини остин-устун қилиб юборди.

— Мен ҳам сиздай йигитга ҳеч қандай, шартлар қўймасдан турмушга чиқишга рози бўлардим, — деди қиз иккиланиб.

– Бирор тўсиқ борми бахтимизга?
– Буни тўсиқ десам, ўзимни ҳам, Сарватни ҳам ўкситган бўламан.

– Сарват нега ранжисин? Тўғриси, гапингизга тушунмадим...

– Сарват — укам. Қони бир жигарлармиз. Онаминг ҳам ёши бир жойга бориб қолган. Уларга ғамхўр бирор киши йўқлигидан хавотирга тушаман. Бу мен учун қанчалар муҳимлигини англай олгандирсиз?

Қиз қалби тубидаги дардини айтгунича неча марта титраб олди. Кўзлари ёшланиб, ўзининг ҳаяжонини билдириб қўйди. Қизнинг айтаётган дардида, муаммосида яширинган марҳамат — меҳр Рашидни ранжитмади. Аксинча уни қувонтирди. Қаршисидаги қизнинг гўзаллиги қуёшнинг тафтидан ҳам иссиқроқ эканини пайқади.

– Сарват қулоғи карлиги учун уларнинг суҳбатини эшита олмаса ҳам, гап нима тўғрисида кетаётганини тахмин қилаётганди.

– Умр йўлдошимга муҳим бўлган нарса менинг эътиборимдан четда қолса, бўлажак оилада шодлик — фаровонлик бўладими?

– Ҳар нарсанинг очигини айтган маъқул, — Ойшагул илтимос оҳангида ўзини қийнаётган муаммо хусусида гапира бошлади, — Худо

онамга узоқ умр берсин. Лекин кун келиб онам дунёдан ўтганида Сарватнинг тарбияси менинг зиммамга қолади. Шу нарса ҳам бизнинг оила қуришимизга тўсқинлик қилиши мумкин.

– Мавлоно Румий айтган эканлар: “Бир томонда кўрқув, бир томонда умид бўлса, икки қанотга эга бўласан. Ягона қанот билан учиб бўлмайди. *Кўрқувни ҳис қилган киши умиднинг қадрига етади*”. Худо сенга яхшилардан бўлишинг учун синов берибди. Бунинг учун асло ўксинма. Аксинча, сабр билан барча синовларни енгиб ўтгин, — деди Рашид ҳаяжон билан, — кўлингиздаги узук мана шундай бетакрор жилвага келгунича тош неча маротаба йўнилади. Айтмоқчи бўлганим, инсонийликдан комиллик сари етгунингча Оллоҳ таоло бандасига қанчадан қанча синов, ситамлар юборади. Биз Яратган ато этган тақдирга рози бўлсак, Раббим ҳам бандасидан рози бўлади. Сарват биз учун синовдир. Сарватни дея сизга бўлган пок севгимдан воз кечмайман. Аксинча, бунинг учун Раббимга шукроналар айтаман. Мени тошюрак деб ўйладингизми? Сарватга мен ҳам меҳримни бериб, уни тарбиялаб улғайтиришда жоним билан сизга кўмаклашаман. Агар турмушга чиқишда менга

шунини шарт сифатида олдимга қўйсангиз, мен минг мартаба «ҳа» дея жавоб қайтараман.

Рашиднинг бу жавобини эшитган Ойшагул кўзида ёш билан хонани тарк этди. Қизнинг кўз ёшлари розилик маъносини билдирарди. Рашиднинг бетакрор севгиси туфайли Ойшагул дунёга қайтадан келгандай бўлди. Иккиси ҳам бахтдан масрур эди...

ТУЙҒУ ОДАМЛАРИ

(сўнгсўз ўрнида)

Кичкина, содда ва жун бир асарга ҳам сўз боши, ҳам сўнгсўз ёзилгани, албатта, галати туюлади. Лекин “Бахтини топган йигит” шунга лойиқдай кўринади. Негаки унда туйғу одамлари образи гавдалантирилади. Замонамизда эса манфаатпарастлик авжланиб, айрим одамларимизнинг туйғулари тўмтоқлашиб, қалби қашшоқлашиб боряпти. Бу — хавотирли ҳолат. “Бахтини топган йигит” ни ўқиган китобхон туйғу одамлари билан танишади. Ҳеч кимга озор бермайдиган, ҳаёт ҳодисаларини қандай бўлса, шундайлигича қабул қиладиган, ҳар бир ишда муросамадора йўлини тутадиганлар туйғу одамлари эканини билиб олади ва уларга чин дилдан ҳавас қилади.

Албатта, бу ҳаётда ҳамма бахтли бўлишни орзу қилади. Катта-ю кичик шунга интилади. Ёш ҳам, кекса ҳам ўзини бахтли бўлишга ҳар жиҳатдан ҳақли санайди. Лекин бахтни ҳамма ҳар хил тасаввур қилади. Уни ҳар бир киши ўзининг қаричи, мезони билан ўлчайди. Кимдир учун етишиб бўлмас орзу кўринган ҳодиса ким учундир арзимас бир нарса бўлиб

туюлади. Кўлингиздаги асар қаҳрамонлари ҳам ўзининг бахти ҳақида ўйлайди, олдида турган тўсиқлардан ташвиш чекади. “Бахтини топган йигит” шу ҳақда. Бу асар “роман” дейилибди. Аммо “роман” деганда кенг тармоқли сюжетга асосланган, “саҳна”сида ўнлаб қаҳрамонлар ҳаракат қиладиган ва улар ўртасида кескин тўқнашувлар кечадиган асар назарда тутилади. Аҳмад Моҳир Пакшоннинг ушбу асарида эса бундай салмоққа эга сюжет ҳам, ўнлаб қаҳрамонлар ҳам кўринмайди. Адабиётнинг анъанавий ўлчовларидан қаралганда, “Бахтини топган йигит” балоғат ёшига етган йигит ва қизнинг кечинмалари баён қилинган жўн, оддий асар. Дейлик, у “Ёш Вертернинг изтироблари” романи сингари бадиий баркамол эмас. Шундай бўлсада, “Бахтини топган йигит”ни мутолаа қилиш асносида унда дунёга умид билан қараб, тева-рак-атрофидаги ҳодисалардан сабоқ олишга ҳаракат қилаётган, дуч келган қийинчилик, машаққатларини эртанги яхши кунларининг дарағи билиб, ҳаётда эзгу ниятлар билан яшаётган йигит ва қизнинг самимий ҳистуйғулари ифода этилганини билиб оласиз ва бу содда асарнинг айни шу жиҳатидан беихтиёр мамнун бўласиз. Ойшагул, унинг

онаси Саодат, укаси Сарваг ҳам, Рашид ҳам туйғу одамлари экани, уларнинг қалби тозаллиги сизни, албагга, қувонтиради. “Бахтини топган йигит”нинг бу қаҳрамонлари ҳаётга “синов майдони” деб қарашади ҳамда ундаги ҳамма нарсага сабр ва меҳр билан муносабатда бўлишади. Теварак-атрофдаги ҳамма нарсани бор ҳолича қабул қилишади. Бирор нарсага ўзларининг талаб-истаклари асосида қарашмайди. Рашид чақмоқ ёруғидаги нурга интилиб ҳалок бўлган капалакнинг ўлими учун ўзини айбдор деб билади. Ана шу капалакни ўзи учун азиз санаб, уни мўъжаз қутичага солиб, ишхонасининг тўрига қўяди. Қалби меҳрга, самимий туйғуларга тўла бу йигитга бахти бўлиб кўринган Ойшагулнинг қалби қанчалик гўзал, меҳрга тўлалигини эса асарни ўқиганда, албатта, пайқагансиз. Рашид ва Ойшагул — бизнинг замондошларимиз. Уларнинг ахлоқ-одоби, ота-онасига, атрофидаги одамларга муносабати ёшларимиз учун ибрат намунаси бўла олади. Рашид ва Ойшагулнинг табиатни эъзозлаши, ундаги ҳамма нарсага мўъжиза деб қараши кишини қувонтиради. “Оммавий маданият” таъсири авжланиб, умуминсоний ва миллий қадриятлар топталиб бораётган, дин-

ни ниқоб қилиб, бузғунчилик, ваҳшийлик, кўпорувчилик билан шуғулланаётганлар бутун дунёни хавотирга солаётган ҳозирги замонда Рашид ва Ойшагул сингари имон-этиқоди мустаҳкам ёшларнинг борлиги эртанги кунга умид уйғотади. Рашид ҳам, Ойшагул ҳам ҳеч ким билан тўқнашмайди. Улар кўпчилик замондошларимиз сингари кундалик турмуш ташвишлари билан яшашади, ўзининг ҳозирги ҳол-аҳволи ва эртанги куни тўғрисида ўйлашади. Асарда шулар баён этилади. Рашид ва Ойшагул ўзининг ижтимоий аҳволи, турмуш тўғрисидаги ўй-кечинмалари, компьютер воситаларидан фойдаланиши каби жиҳатларига кўра миллий анъаналаримизга амал қилиб яшаётган ҳозирги ёшларимизнинг ўзига хос образи бўлиб кўринади. Рашид ва Ойшагул замонавий шаҳар муҳитида яшайди. Лекин уларнинг ҳар иккаласи бу муҳитни ўз исканжасига олган “оммавий маданият” таъсиридан четда туради. Айрим ёшлар сингари “инсон ҳуқуқлари”, “демократия”ни дастак қилиб, роҳат-фароғатга, ҳаётдан лаззатланиб қолишга интилмайди. Аксинча аждодларимиз ардоқлаган энг эзгу анъаналарга ҳурмат билан қарашади. Улар ҳаётнинг маъноси-ни оила мустаҳкамлигида, ўзаро ишонч,

ҳурматда, бошқаларга яхшилик қилишда, меҳнат билан ҳалол луқма топиб яшашда, деб билишади. Уларнинг ҳаётга бундай муносабати сўфийларнинг ҳаёт тарзини эслатади. Зотан, маънавий комиллик ҳалол яшашдан, ҳалол луқмадан бошланади. Бу эса кишидан ҳар куни ҳар нафасда ўзини ўзи қаттиқ назорат қилишни талаб этади. Ойшагул ва Рашид ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатини, ўй-хаёллари, орзу-истакларини қаттиқ назорат қилади ва кўрган-кечирганлари ҳақида мушоҳада юритади. Улар мана шу жиҳати билан ҳам сизни хушнуд қилади. Содда тилда, содда услубда битилган ушбу асарни мутолаа қилсангиз, албатта, бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Абдулла Улуғов,
адабиётшунос

Қайдлар учун

АҲМАД МОҲИР ПАКШОН

БАХТИНИ ТОПГАН ЙИГИТ

РОМАН

Нашр учун масъул:

И.Иулдошев

Муҳаррирлар:

А.Тилавов

У.Султонов

Техник муҳаррир:

Ю.Уринов

Наш.лиц. № АІ 245, 02.10.2013.

Теришга 04.08.2016 йилда топширилди. Босишга
14.02.2017 йилда рухсат этилди. Бичими: 60x84 1/16.

Офсет босма. Таймс гарнитураси. Шартли б.т. 8

Нашр б.т. 7,32. Адади: 5000. Буюртма №04.

Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Широқ кучаси, 100-уй.

Телефон: (371) 228-07-96, факс: (371) 228-07-95

БАХТИНИ ТОПГАН ЙИГИТ

Қўлингиздаги китоб — икки пок қалбнинг самимий муҳаббати қиссаси. У Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раънолар севгисини эсла-тадиган ҳаяжонли, покиза туйғулар ҳақи-дадир. Бу қиссада инсоний меҳр-оқибат, садоқат, комилликка интилиш улуғланади. Асар сизни хушнуд қилишига ишонамиз.

**“Sano-standart”
нашриёти**

ISBN 978-9943-4803-4-6



9 789943 480346